



№73-74
2019-yil, 10-sentabr
Seshanba (32.564)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида улзуксиз таълим тизими янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кенг қўлланма чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, иқтидорли ёшлар билан ишлашнинг ягона ва самарали тизimini яратиш, ёш авлоднинг истеъдоди ва салоҳиятини рўйга чиқариш учун бундай ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, илгор хорижий таъриблар талаблари асосида дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни, шу жумладан, электрон шаклда нашр этиш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимиз манфаатларини профессионал ва юқори даражада муносиб ифода эта оладиган, талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлмоқда.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш, ёш истеъдодларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва нашр этишдаги муаммоларни бартараф қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шунингдек, умумтаълим муассасалари фаолиятини бошқариш ва ташкил этишнинг махсус тизimini яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Агентлиkning идоравий бўйсунувига ўтказилсин:

Президент мактаблари; тасдиқланган штат жадвали ва уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Абдулла Орипов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Мухаммад Юсуф, Иброҳим Юсупов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Ризо Эрнэбэков ўғли Оғажий, Ҳалима Худойбердиева ва Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Исҳоқхон Ибрагим номидаги ижод мактаби (кейинги ўринларда – ижод мактаблари);

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни қўрғаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ва Абу Али Ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёвчилар ихтисослаштирилган мактаб-интернати (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган мактаблар).

3. Қуйидагилар Агентлиkning асосий вазифалари этиб белгилансин:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сисватини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш; давлат таълим стандартларига мувофиқ Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ягона шаклда мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарлиқни амалга ошириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқув-тарбиявий жараёнига илгор таълим шакллари, педагогик технологиялар ва ахборот аниқликларини жорий этиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларида ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат, бағрикенглик туйғуларини, қонуларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурматни шакллантириш, уларнинг маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний ривожланиши даражасини янада ошириш;

халқаро ташкилотлар ва экспертларни жалб қилган ҳолда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар педагогик кадрларини танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илгор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва уйғунлаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ушбу муассасалардаги бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича ишларни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Агентлиkning ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорларни барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети

маблаглари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун ўрнатиладиган давлат таълим стандартлари Агентлик томонидан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги қошидаги «O'qituvchi» илмий-услубий нашриёт маркази (кейинги ўринларда – Марказ) Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва нашр этиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиради;

Марказ Агентлик буюртмаси асосида давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмаларнинг, шу жумладан, электрон кўринишда тайёрланиши ва нашр этилишини таъминлайди ва улар кейинчалик Агентлик томонидан тасдиқланади.

5. Агентлик иш самардорлигининг қуйидаги энг муҳим кўрсаткичлари белгилансин:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқувчиларида, шу жумладан, ватанпарварлик, Ватанга бекиёс муҳаббат ва содиқлик туйғуларини, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳуррматни шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчиларининг давлат ва чет тилларни мукамал билиши;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга малакали ва таърибали, чуқур билимларга эга, давлат ва чет тилларини, замонавий педагогик технологиялари ва ўқитишнинг инновацион услубларини биладиган педагогларни жалб қилиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчиларининг олий таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш учун, шу жумладан, ихтисослаштирилган олий таълим тизимининг фаолият юритиши орқали керакли шароитларни яратиш;

Президент мактаблари битирувчиларининг камида 20 фоизи халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингига олий таълим муассасалари орасида дастлабки 1 000 та поғонани эгаллаган етакчи хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчиларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, республика аҳамиятига эга бошқа ташкилотлар, дипломатик ваколатхоналар, йирик компания ва бирлашмаларга ишга жойлаштиришга қўмаклашиш;

ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини жорий қилган ҳолда талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар сонини кўпайтириш;

барча Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда миллий ва ҳақон адабиёти, мусиқа, кино, ҳайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа ижодий йўналишлардаги асарларга эга бўлган замонавий кутубхоналарнинг ишлаши;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ўқув-услубий жараёни автоматлаштириш таъминлаш ва уларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқув жараёнига таълимнинг илгор шакллари, педагогик технологиялар ва ахборот аниқликларини жорий этиш мақсадида хорижий таълим ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни замонавий спорт зал, инвентарь, ускуна ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш.

Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу бандда назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларни ўз вақтида бажариш ва уларга эришиш бўйича чоралар кўрсин.

6. Агентлик ҳузурида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин ва уни шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник қўмак кўрсатиш маблаглари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблагларини жойлаштиришдан олинган даромадлар; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Бунда мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тутилган Агентлик бўйсунувига ўтказиладиган ташкилотларни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблаглар ажратилди.

Белгилансинки, Жамғарма маблаглари қуйидагиларга йўналтирилади:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган

мактабларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шу жумладан, зарур ҳолларда ўқув устакхоналари ва лабораториялари, спорт заллари, майдончалар ва бошқа инфра-тузилма объектларини ташкил этган ҳолда ўқув корпусларини кенгайтириш ишларини молиялаштириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ва тасдиқланган меъёрлардан келиб чиқиб, энг янги ўқув-лаборатория, илмий, ишлаб чиқариш ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, компьютер техникаси, мебель ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) ишларини молиялаштириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ўқув-услубий раҳбарлиқни таъминлаш, таълим жараёнини юритиш бўйича хизмат кўрсатувчи ихтисослашган хорижий ташкилотларни хизматига ҳақ тўлаш;

Агентликка юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан, хорижий экспертларни ва чет элда истиқомат қилаётган ватандошларимизни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишлаш учун жалб қилиш;

Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа чора-тадбирлар.

7. Белгилансинки, Агентлик Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблагларнинг тасарруф этувчиси ҳисобланади.

8. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни ўрнатиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин:

ижод мактабларида ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 20 нафарни ташкил қилади, 7-синфларга қабул қилиш эса ижодий танловлар, тест ва бошқа синовлар асосида амалга оширилади;

ижод мактабларида ўқувчилар сонидан қатъий назар, 1 штат бирлигида кутубхоначи лаозимини қиритилади;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари мунтазам равишда ижод мактабларида ўқувчиларнинг ижодий истеъдодини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар олиб боради;

ижод мактабларида ўқитувчилар фаолияти билан шуғулланётган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатига соатбай ҳақ тўлашга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига бир ой муддатда ижод мактабларини миллий ва ҳақон адабиёти, мусиқа, кино, ҳайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа ижодий йўналишлардаги 100 та энг яхши асарлар (бестселлерлар) билан таъминлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар ижод мактабларининг кутубхоналарини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-ресурс базасига улаштириш таъминласин.

10. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Чорвоқ» эркин туристик зонаси дирекцияси» ДУК Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари учун ёзги спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, шунингдек, Агентлик ва Марказ ходимлари учун дам олиш зонаси қурилиш учун қулай табиий шароитларга эга ер участкасини ажратиш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қиритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Агентлик фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини лойиҳасини қиритсин.

Халқ таълими вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар қиритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 сентябрь



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР

қўндан-қўп муаммоларни ҳал этади, ерга муносабатни ўзгартиради, янги иш ўринлари яратади, ҳосилдорликни ва даромадни кўпайтиради, мамлакат иқтисодий қувватини оширади. Халқ ҳаёти фаровонлашади...

Ўтган ҳафтанинг 6 сентябрь куни мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига доир муҳим воқеа бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги улкан имкониятлар, кийинги йилларда соҳани ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритилди. Хусусан, янги технология ва инновацияларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилаётгани, булар — ислохотларнинг биринчи босқичи экани таъкидланди.

Энг муҳими фақат бугунки эмас, балки, эртанги кунни ҳам ўйлаб, ўзоқчи қўлаб, ислохотларни янги босқичга кўтариш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилётгани айтилди. Бунинг учун эса бир-бирдан муҳим ишларни бажариш керак бўлишига эътибор қаратилди. Ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, кучини ошириш, ҳосилдорликни кўтариш, ер ажратишнинг шаф-

фоф тизimini яратиш, ерга бўлган ҳуқуқнинг кафолатланиши, ернинг дахлсизлигини таъминлаш каби ўта муҳим вазифалар илгари сурилди.

Тўғриси, қишлоқ хўжалигида йиллар давомида тўпланиб қолган, соҳанинг ривожига тўсиқ бўлиб келаётган муаммолар оз эмасди. Айниқса, ерни талон-тарож қилиш, ер ажратишда таъма-гирлик, коррупция авж олиб, қўп адолатсизликларга ҳам йўл қўйилганди. Бунинг оқибатида ердан самарасиз фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида катта йўқотишлар давом этаётганди.

2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилса, қишлоқ хўжалигида янги давр — юқалиш даври бошланади. Минг-минглаб янги иш ўринлари яратилади, ҳосилдорлик ошади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпаяди, одамлар даромадга ёлқинди, ҳаёт фаровонлашади, давлатнинг иқтисодий қуввати ҳам ошади, албатта.

Демак, қишлоқ хўжалиги тараққиётига бағишланган бу янги стратегиядан қўзланган мақсад жуда юксак ва улуг. Айни кунларда мутахассислар, фермер хўжаликлар раҳбарлари Президентимиз илгари сурган вазифаларни катта қизқиш билан ўрганиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Абдимурод БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Қашани туманидаги
«Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги раҳбари:



— Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев биз фермерларнинг эътиборини хамиша мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳалигини бири — қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самардорлигини ошириш масаласига қаратиб келади. Яқинда, аниқроғи 6 сентябрь куни қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари яна бир бор аграр соҳадаги камчилик ва нуқсонларга эътиборимизни жалб этди. Тўғри таъкидланди, ўтган йиллар мобайнида на бозор иқтисодиёти, на ерга муносабат, на манфаатдорлик ошди. Қайси фермер билан гаплашсанг, гоҳ маблаг етишмовчилиги, гоҳ харажатлар қўлайи кетгани ёки об-ҳаводан, ҳосилдорлик пастлигидан ногийди. Сабаб нимада, кимда?!

Мана, видеоселектор йиғилишида соҳага замон талабларидан келиб чиқиб ёндашилмагани, маблаг, илмий инновациялар жалб этилмагани, оқибатда ерлар «чарчаб», унумдорлик пасайиб кетгани очик-ойдин таҳлил этилди.

Шуни ҳам алоҳида айтиш кераки, биз фермерлар кейинги

қуқуқнинг кафолатланишини, ернинг дахлсизлигини таъминлаш, ерга бўлган муносабат тушунасини ҳуқуқ соҳасига киритиш зарур.

Ҳосилдорлик сув, менерал ўғитлар, ерга ўз вақтида ишлов бериш билан чамбарчас боғлиқ. Дунё таърибасида сувдан унумли фойдаланишнинг энг замонавий усуллари қўлланилади. Ҳозир ўзимизда ҳам айрим богдорчилик фермер хўжаликларидо томчилатиб сугориш аъёналари жорий этила бошланди. Аммо, бунинг учун таъриб, қамовас, маблаг талаб қилинади. Бугун фермерларимиз ўз сарф-харажатларини ана шун-латиб турибмиз. Ерга агротехника қоидаларига мос равишда, замон талабларидан келиб чиқиб, мўл-қўп ишлов бера оламиз. Қисқача айтганда, фермерларга янги тилдаги қучли техник воситаларни олишда амалий қўмак зарур. Бундан ташқари, деҳқончиликда ўзоқ вақт шаклланиб келган ўз вақтида шудорлаш аъёналарини тиклашимиз, кекса авлод таърибларига таяниб иш тутишимиз керак. Ахир, ота-боболаримиз «Деҳқон бўлсанг шудор қил», «Ер ҳайдасанг қуз ҳайда», қуз ҳайдамасанг, юз ҳайда» деган мақолларни бежиз айтишмаган.

Мазкур йиғилишда алоҳида таъкидлангандек, ер эгалари унумдорлик ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида ерга инвентария қиритишга интилиш учун аввало уларнинг эртанги кунга ишончи тўла бўлиши керак. Бунинг учун давлатимиз раҳбари айтганидек, қонунчиликка ўзгаришлар киритиб, ер ажратишнинг шаффоф тизими ва ерга бўлган

Қонун лойиҳасида педагог кадрларнинг ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларга жалб этилиши тақиқланмоқда...

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЭСКИРГАН ЭДИМИ?

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги, яхлит, одамлар ҳаётига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонун лойиҳалари кенг муҳокама қилинмоқда. Шулардан бири «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасидир.

Сўнгги йилларда таълимнинг нодавлат шакли ривожланиш йўлига кирди. Мактабгача таълим тизими бўйича алоҳида вазирлик ташкил этилди. Давлат-хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим муассасалари барпо этилиши бўйича кенг имкониятлар яратилди. Мактабгача таълим муассасаларида 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун таълимнинг мажбурий этиб белгиланиши, 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълимнинг жорий этилиши ва улар битирувчиларга мураккаб бўлмаган касблар ўқитилиши қонунни янги тахрирда қабул қилишга эҳтиёж юзага келганини билдиради. Шунингдек, академик лицейлар, касб-хунар коллежларида таълим бериш муддати ва мазмунининг ўзгариши, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, юридик шахсларга барча таълим турлари бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатишга рухсат берилиши ҳам қонун лойиҳасини яратишга асос бўлди.

Педагоглар, таълим муассасаси ходимлари, таълим олувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилиб, масъулияти кучайтирилди, раббатлантирилиши ишга бўлган муносабатни янада оширди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахсларга таълим хизматини кўрсатишга рухсат беришга, ривожланган хорижий давлатларнинг таълим соҳасидаги ингдор тажрибалари юртимизда жорий этилаётгани ва бир қатор халқаро конвенциялар ратификация қилингани ҳам «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририга заруратни кучайтирди.

Давлат раҳбарининг ҳалқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш маса-

лаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги вазифалардан кейин янги таклифлар ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳаси бугунги кунда сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, қолаверса, кенг жамоатчилик билан бирга муҳокама қилиниб, парламентга киритилди. Айни кунларда палатанинг муҳокамасига, биринчи ўқишга тайёрланмоқда.

Қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси 12 боб, 70 дан ортиқ моддадан иборат бўляпти (амалдаги қонун 5 боб, 34 моддадан иборат). Моддалар сони аниқ келтирилмаганига сабаб, ҳали муҳокама жараёни давом этмоқда: янги меъёрлар қўшилиши, айримлари олиб ташланиши мумкин. Албатта, энг муҳими бу эмас, асосийси, таълим тизимига қандай янги меъёрлар киритилаётганидир.

Қонун лойиҳасига асосий янги йўналишлар киритилмоқда. Хусусан, катта ёшдагилар таълими, махсус таълим, инклюзив таълим, яқка тартибда педагогик фаолият билан шугулланиш, давлат-хусусий шерикчилиги, таълим соҳасига инвестицияларни киритиш, таълим муассасаларининг ўзини ўзи баҳолаши, таълим иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, таълим соҳасида экспериментал ва инновацион фаолият каби муҳим масалалар қамраб олинмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида педагог кадрларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларга жалб этилиши тақиқланиши, бу масалада таълим муассасалари раҳбарлари жавобгар бўлиши белгиланмоқда. Таълим соҳасидаги давлат бошқарув органларининг ваколатлари ва таълим муассасалари фаолияти эркинлиги кенгайтирилиши тақлиф этилмоқда.



Фракциямиз йиғилишида мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича қатор саволлар бўлди. Шулардан айримларини мулоҳаза учун айтмоқчиман. Жумладан, «Қонун кимга хизмат қилади, таълим жараёни субъекти ўқитувчилари ёки таълим тизимини бошқарувчи давлат органларидами?», «Ўқувчиларни мактабга қабул қилиш ёшининг қатъий белгиланишининг сабаблари нимада?», «Синфлардаги ўқувчилар сони 35 нафардан ошмаслиги қандай асосга кўра белгиланмоқда?», «3 ёшгача бўлган болаларнинг тарбияси билан боғлиқ масалалар қандай ҳужжат билан тартибга солинади?» каби саволлар берилди. Чиндан ҳам, бир синфда 40 нафардан зиёд ўқувчи ўтирадиган мактаблар ҳам борку. Ўқувчиларнинг оптимал сонини ким белгилайди? Ана шу саволлар фракциямизда кенг муҳокама этилди, тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Буларнинг ҳаммаси қонун лойиҳасини тақомиллаштиришда долзарб аҳамият касб этди.

Яна бир муҳим масала. Йиллар давомида мактабдан ташқари таълимга турли ташкилотлар қўшиб келинди. Ҳаттоки, турли тўғарақларни имкониятлари яратилиши кўзда

ўз ичига жамлаган ташкилотларнинг ичидаги мусиқа мактаби, санъат мактаблари, спорт мактабларини ҳам мактабдан ташқари таълим, дедик. Лекин улар мактабқу, қўшимча таълим берапти. Шунинг учун лойиҳага қатор янги меъёрлар киритилиши мумкин. Мисол учун, қўшимча таълим тури ҳақида.

Партиямиз Сайловолди дастурида инклюзив таълимни ривожлантириш масалалари киритилган эди. Айрим учрашувларда ЎзХДП бу масалани кирита олмаётти, нега унда Сайловолди дастурида турибди, деган саволлар бизни қийнаб келаётганди. Янги лойиҳага инклюзив таълим тушунчаси киритилмоқда, бу ҳар бир боланинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашга, ҳар қандай камситишнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу эса Сайловолди дастуридаги яна бир муҳим масаланинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилади.

Янги лойиҳада амалдаги қонунчиликда кўзда тутилмаган янги ҳодаларни киритиш тақлиф этилмоқда. Масалан, «катта ёшдагилар таълими». Бунда катта ёшдагилар учун умри давомида билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаб бориш имкониятлари яратилиши кўзда

тутиляпти. «Махсус таълим», яъни ҳозирги махсус ихтисослаштирилган таълим эмас, балки мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналишида махсус мутахассисларни тайёрлаш таълими, деб белгиланмоқда. Давлат-хусусий шерикчилигининг янги механизмлари, яна бир қанча моддалари амалиёт ва бугунги давр талабидан келиб чиқиб киритилмоқда.

Президентимиз «жамиятимизда ўқитувчиларнинг шаъни ва ҳурматини бошимизга кўтарадиган, уларни том маънода келажак бунёдкорлари, деган саволлар бизни қийнаб келмаётганди. Янги лойиҳага инклюзив таълим тушунчаси киритилмоқда, бу ҳар бир боланинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашга, ҳар қандай камситишнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу эса Сайловолди дастуридаги яна бир муҳим масаланинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилади.

Янги лойиҳада амалдаги қонунчиликда кўзда тутилмаган янги ҳодаларни киритиш тақлиф этилмоқда. Масалан, «катта ёшдагилар таълими». Бунда катта ёшдагилар учун умри давомида билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаб бориш имкониятлари яратилиши кўзда

тутиляпти. «Махсус таълим», яъни ҳозирги махсус ихтисослаштирилган таълим эмас, балки мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналишида махсус мутахассисларни тайёрлаш таълими, деб белгиланмоқда. Давлат-хусусий шерикчилигининг янги механизмлари, яна бир қанча моддалари амалиёт ва бугунги давр талабидан келиб чиқиб киритилмоқда.

Президентимиз «жамиятимизда ўқитувчиларнинг шаъни ва ҳурматини бошимизга кўтарадиган, уларни том маънода келажак бунёдкорлари, деган саволлар бизни қийнаб келмаётганди. Янги лойиҳага инклюзив таълим тушунчаси киритилмоқда, бу ҳар бир боланинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашга, ҳар қандай камситишнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу эса Сайловолди дастуридаги яна бир муҳим масаланинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилади.

Янги лойиҳада амалдаги қонунчиликда кўзда тутилмаган янги ҳодаларни киритиш тақлиф этилмоқда. Масалан, «катта ёшдагилар таълими». Бунда катта ёшдагилар учун умри давомида билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаб бориш имкониятлари яратилиши кўзда

ПАРТИЯМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Одамга куч бағишлайдиган, уни руҳлантирадиган ва янада катта мақсадлар сари қорлайдиган энг катта восита эътибордир. Эътибор бор экан, киши қалбида янги орзу-умидлар, мақсадлар қуртак ёза бошлайди. Одам юртида, оиласида, меҳнат жамоасида эътиборли бўлса, бу ўз-ўзидан кишига қувонч, бахт, хотиржамлик олиб келади.

Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 августдаги фармонида биноан уч нафар юртдошимизга – «Ўзбекистон Қаҳрамони» ушони берилиб, «Олтин юлдуз» медали топширилди. Ана шундай юксак мукофотга муносиб кўрилганлардан бири халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раиси Ҳасан Нормурадовдир. Бу хушхабар кўпчилик қатори партиямиз фаолларини ҳам қувонтирди.

Меҳнат инсонни улуғлайди, деган гап бекорга айтилмаган. Қаҳрамонимиз меҳнатсеварлиги, маърифати билан обрў орттирган. Вилоят «Нуроний» жамғармасини 2003 йилдан буён фидойилик билан бошқариб келмоқда. Депутат сифатида халқ депутатлари вилоят Кенгаши муҳокамасига аҳоли манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқишда фаоллик кўрсатиб келяпти.

Ҳасан Нормурадов Халқ демокртик партиясининг фахрий аъзоси. 2004, 2009 ва 2014 йилларда ўтказилган сайловларда партиямиздан Самарқанд вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган.

Ҳ.Нормурадов давлатимизнинг «Дустлики», «Меҳнат шўхрати», «Эл-юрт ҳурмати» каби нуфузли орденлари билан тақдирланган.



Ҳасан НОРМУРОДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси:

— Очиги бундай юксак мукофотга лойиқ кўрилишимни сира ўйламагандим. Бунинг устига мукофотларни топшириш тантанасида Президентимиз менинг шаънимга айтган гаплардан қанчалик таъсирланганимни сўз билан ифода этолмайман. Мен зиммамда катта масъулият ва қарздорлик юкланганлигини ҳис этиб турибман. Умрим охиригача бу ҳурмат-эътиборга муносиб бўлишга, ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан.

Юксак мукофотни олиб уйга қайтаётганимда болалигимни, ёшлигимни эсладим. Ҳаёт йўлим кўз ўнгимдан бирма-бир ўтди. Болалик йилларим оғир даврларга тўғри келди. Қаҳатчилик, очарчилик азоб-уқубатларини бошимиздан кечирдик. Ичимлик суви, газ, электр энергияси муаммо эди. Ички йўлларда машина эмас, ҳатто одам юрса ҳам қўқларди. Худога шукр, мустақиллик йилларида тарихий ишлар амалга оширилди.

1939 йил 16 ноябрь куни Каттакўрғон туманининг Кичик кўрпа қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилганман. Йигирма кунлик чақалоқлик пайтимда отамдан ажралганимиз. Онам уч ўғил, икки қизни ёлғиз боши билан

ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ ЯХШИЛИКДИР

воёга етказди. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши оиламиз учун кўп қийинчиликларни келтирган...

Очарчилик даврида одамлар кун бўйи бир тишлам нонга зор бўлгани, тонг саҳардан то кун ботгунча далада меҳнат қилгани ҳақида онам кўп сўзлаб берарди. 8-9 ёшларимда акаларим билан меҳнат қила бошладим, дала ишларини ҳам бажарардим.

Ҳаётнинг аччиқ-чучутини, ташвишларини болалик давримиздаёқ тортганимиз. Каттакўрғон педагогика билим юртини тамомлаб, 17 ёшимдан бошлаб ўқитувчилик қила бошладим. Ҳарбий хизматни ўтаб келгандан кейин 1961 йил Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирдим. Университетни тамомлагандан сўнг, меҳнат фаолиятини Каттакўрғон шаҳридаги 3-уртма мактабда ўқитувчиликдан бошладим.

— Очарчилик даврида одамлар кун бўйи бир тишлам нонга зор бўлгани, тонг саҳардан то кун ботгунча далада меҳнат қилгани ҳақида онам кўп сўзлаб берарди. 8-9 ёшларимда акаларим билан меҳнат қила бошладим, дала ишларини ҳам бажарардим.

Ҳаётнинг аччиқ-чучутини, ташвишларини болалик давримиздаёқ тортганимиз. Каттакўрғон педагогика билим юртини тамомлаб, 17 ёшимдан бошлаб ўқитувчилик қила бошладим. Ҳарбий хизматни ўтаб келгандан кейин 1961 йил Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирдим. Университетни тамомлагандан сўнг, меҳнат фаолиятини Каттакўрғон шаҳридаги 3-уртма мактабда ўқитувчиликдан бошладим.

Шундан кейин қатор ташкилотларда фаолият юритдим. Вилоят Халқ таълими бошқармасида ҳам ишладим. 2003 йилдан бери вилоят Нуроний жамғармасини бошқариб келяман.

Депутатлик фаолиятим давомида шунга гувоҳ бўлдимки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар, давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар беҳи-

соб. Бунинг натижасида нима бўлди? Тез орада халқимиз ўзини тиклаб олди. Эслайдиган бўлсак, мустақилликнинг дастлабки йилларида бир маҳаллага кирсангиз, бир неча ёрдамга муҳтож оилаларни учратишингиз мумкин бўларди. Бугун уларнинг сони тобора камайиб бормоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишларга бир эътибор беринг. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз киёфаси ўзгариб, одамлар турмуш даражаси ошиб борапти. Инсон учун у ҳақида кимдир қайғураётганини ҳис қилишдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Халқимиз ана шундай бахтга муносиб, албатта.

Истиқлолимизнинг 28 йиллиги мен учун жуда қувончли келди. Халқ

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишларга бир эътибор беринг. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз киёфаси ўзгариб, одамлар турмуш даражаси ошиб борапти. Инсон учун у ҳақида кимдир қайғураётганини ҳис қилишдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Халқимиз ана шундай бахтга муносиб, албатта.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: ЎҚУВ СЕМИНАР

Маълумки, жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий жараён — парламентга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Навбатдаги сайловлар янги ҳуқуқий демократик тамойиллар асосида ҳар қачонгидан қизгин курашлар остида ўтиши кўтилмоқда. Сайлов кодексининг қабул қилиниши билан сайловдаги талаб ва шароит янгланди, сиёсий кучлар ўртасида янада кенг рақобат муҳити яратилди. Демак, сайловларга тайёргарлик кўриш жараёни ҳар бир сиёсий партиядан фаоллик ва ташббускорликни оширишни талаб этади.

Сайлов кампаниясига тайёргарлик

ёки муваффақият қозониш йўллари



Сайлов жараёнида сиёсий партиянинг дастурий мақсадларидан жамоатчилик кенг ҳабардор бўлиши, айни пайтда партиянинг гояларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, аввало, партиянинг сайловолди дастури электорат муаммолари ечимига бағишланган ва ҳаётий бўлиши зарур. Навбатдаги вазифа эса партия дастурий мақсадларини кенг тарғибот этиш билан боғлиқ. Бу борада партия матбуотидан ташқари, замонавий ахборот технологияларидан ва бошқа тарғибот воситаларидан кенг фойдаланиш масалалари устида чуқур ўйлаб кўриш керак бўлади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан шу кунларда ўтказилаётган сиёсий ўқув машғулотларида мана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилляпти. 6-10 сентябрь кунларига мўлжалланган ўқув партия ҳудудий ташкилотлари масъул ходимлар учун видеомулоқот тарзида ташкил этилди. У асосан сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва унда муваффақият қозониш йўллариغا бағишланди. Шунингдек, маҳаллий партия кенгашлари раислари ва ўринбосарларининг сайловга тайёргарлик кўриш бўйича тажрибасини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ўқувни Наманган вилоят студиясидан ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Улугбек Иноятов очаркан, жорий йилда ўтказилаётган сайловларда партиянинг муваффақиятли иштирокини таъминлашга қаратилган долзарб вазифалар ҳусусида тўхталди.

Машғулотлар давомида парламент аъзолари, фуқаролик жамияти институтларининг мутахассислари, сиёсатшунос олимлар мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритишди. Сайлов кампанияси тактикаси, партия ва номзодлар имижини шакллантириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Сайловолди дастурини ишлаб чиқиш тажрибалари, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигини ошириш бўйича сабоқ берилди.

— Фаолиятимизга доир қонунчилик, партия имижини мустаҳкамлаш, сайловолди дебатларни кучайтириш масалалари ҳамиша устувор бўлиб келган, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрозиiddин Дархонوف. — Ўқув жараёнида ҳам мана шунлар ҳақида атрофича фикр алмашидик. Партиямиз тизимида ишлаётган кадрлар сиёсий курашлар бўйича яхши тажрибага эга. Буни уларнинг бир-бири билан мулоқотга киришиши, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларда баҳс-мунозара юритиши, ўз фикрларини эркин баён этишида кўп қулатганман.

Депутатликка муносиб номзодларни танлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам амалий тавсиялар берилди. Сайловолди соғлом рақобатини шакллантириш мақсадида ОАВ билан ишлаш усуллари тушунтирилди.

Ўқув машғулотларида мавзулар эркин суҳбат, мунозара шаклида бўлиб ўтмоқда. Дарслар инновацион технологиялар орқали ташкил этилмоқда.

— Бугун одамларнинг сиёсий онги, савияси анча юксалган, — дейди ЎзХДП Қўқўрғон туман кенгаши раиси Зулҳайдар Чинташев. — Ўқув курсида мутахассислардан олаётган билимимиз келгуси фаолиятимизда кўл келади, деб ҳисоблайман. Интерактив дарслар давомида партиямиз Сайловолди дастуридаги гоя ва мақсадлар аҳамиятини одамларга етказиш бўйича ҳам мутахассислар, сиёсатшунослар ўз таклифларини беришди. Энг муҳими, сайлов, амалиётдаги янги усуллар билан танишидик, замонавий технологияларни қўллаш бўйича малакамизни оширяптимиз.

Сиёсий ўқувнинг маълум мавзуларга бағишланган бу гагли машғулотлари бугун нийосига етади. Навбатдаги жараёнлар билан газетамизнинг келгуси сонларида таништириб борамиз.

Ўз муҳбиримиз.

Банк филиали асосий иши — аҳоли ва ҳўжалик корхоналарига кредитлар беришда ҳали-ҳанузгача республика банкига боғланиб қолган.

МУНОСАБАТ

ҲУҚУҚ ҲАМ, ИМКОНИАТЛАР ҲАМ ТЕНГ БЎЛАДИ



Гулшан АСАТОВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудир:

— Президентимиз «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунни имзолади. Қонунда жамият ва давлат ишларини бошқариш, сайлов жараёни, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида аёллар ва эркакларнинг тенг иштироки кафолатланган.

Бундай имконият, бундай эътибор албатта ҳар бир аёлда меҳнатга, ўз иқтидор ва қобилиятини рўйбга чиқаришга, янги ғоялар устида ишлашга, ташаббускорлик кўрсатишга катта иштиёқ уйғотади. Янги-янги ютуқ ва марралар сари етаклайди. Хотин-қизларни янги-янги ва янги-янги ташаббуслар билан чиқишлари ундайди.

Қонунда мезёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши белгиланган. Ҳужжатлар эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини таъминлаш таъминлиги мос келмаслиги аниқланган тақдирда, гендер-ҳуқуқий экспертиза ҳулосаси ушбу ҳужжатни қабул қилган органга қўриб чиқиш учун юборилади.

Қонун билан хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг ваколатлари алоҳида белгилаб берилган. Бундан ташқари, давлатнинг раҳбарлик лавозимларида илгари суриш чоғида жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслик таъминлиги таъминлангани кафолатланган. Қўриб турибдики, аёлларни раҳбар лавозимларга тайёрлаш олдимида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса сиёсий партиялар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юқлайди.

Қонунда сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигида номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминлигини белгилаб қўйилди. Бу йилги сайловларда депутатликка қўрсатилган номзодларнинг 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши таъминлиги лозим.

Меҳнат муносабатларида ҳам эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ҳамда имкониятлари таъминланади. Иш бериувчиларга бўш иш ўринлари тўғрисидаги эълонларда (рекламда) фақат бир жинс вакиллари иш тақлиф қилиш, жинслардан бирига устунилик бериб, турлича талаблар қўйиш, ишга жойлашадиган шахслардан ўз шахсий ҳаёти, фарзандли бўлиш борасидаги режалари ҳақида маълумотларни талаб қилиш тақиқланади.

7 боб, 32 моддадан иборат бўлган мазкур қонун билан хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган. Бу ҳужжатни ҳар бир аёл ўқиб ўрганиши, ўзига берилаётган ҳуқуқ ва имкониятларни тўлиқ билиб олиши муҳим ҳисобланади.

Биз аёллар мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир жараёнда фаол иштирок этишимиз лозим. Зеро, оиладаги тотувликни, жамиятдаги барқарорликни, бир сўз билан айтганда, дунёдаги мувозанатни ҳам сақлаб турадиган аёлдир.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИГА ТАКЛИФ

Мамлакатимиз улкан сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Маҳаллий кенгашларига сайловларга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси янги Сайловолди дастурини ҳар томонлама пишиқ ва пухта тайёрлашга эътибор қаратмоқда. Партиямиз аъзолари, фаол олим ва мутахассислар томонидан ушбу дастурга тақлифлар жўнатилмоқда. Қуйида иқтисод фанлари доктори, профессор Ашур Қодировнинг тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳақидаги шахсий фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



Ўзбекистонда кредит олиш нега қийин?

Бу тижорат банклари филиаллари амалда мустақил эмаслиги билан боғлиқми?

Янги Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш аввало Ҳаракатлар стратегиясида қайд этилган «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», деган тамойилга асосланади. Президент ва ҳукуматнинг аҳоли даромадини ошириб, фаровонлигини таъминлашга қаратилган кўплаб фармон ва қарорлари бўйича муҳим ишлар амалга ошириляпти. Лекин амалдаги айрим қонун ва қонуносни ҳужжатлари муаммолар ечим топишга ҳалақит қияпти. Фикримизни аниқ мисоллар билан асослашга ҳаракат қиламиз.

Тижорат банклари томонидан берилган таълим кредити

Таълим тизимидаги ислохотлар натижасида янги 2019-2020 ўқув йилида олийғўхларнинг биринчи босқичида юз мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз ўқишни бошлаши керак. Лекин барча ОТМга қабул қилинганлар ўқишни давом эттира олишадими? Чунки улардан катта қисми тўлов контракт асосида қабул қилинган бўлиб, барчалари ҳам тўловни ўз вақтида амалга оширолмайдди.

Одатда ҳамма ота-оналар ҳам шартнома пулини ўз жамғармаларидан тўлаш имконига эга бўлмайди. Айримлари дастлаб тижорат банкларга кредит учун мурожаат этишадди, лекин фурсатни ганимат билиб, бовузда бўлган қора моли ёки рўзгорига керакли бўлган бошқа жиҳозни сотиб, фарзанди учун контракт пулини тўлайди. Бундайлар жами тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинганларнинг тахминан 20-25 фоизини ташкил этади.

Демак, фарзанди шартнома асосида ўқишга қабул қилинган ота-оналарнинг қўлчилиги тижорат банкларидан таълим кредити олишга эҳтиёжманд бўлишадди.

Келтирилган тахлилни нисбий, деб ҳисоблайлик. Лекин аниқ англашимиз керакики, тўлов-контракт асосида ўқишни ташкил этишда йирик молиявий муаммо турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарорига илова қилинган «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги низомида таълим кредитлари бакалавр йўналиши учун 10 йилга берилиб, қарздорлик суммаси шартномада кўрсатилган ўқув муддати тугагандан кейин бошланади, деб белгиланган ҳолда тижорат банклари таълим кредитларини аксарият ҳолларда ота-оналар ёки васий шахсларга доимий яшаш учун рўйхатга олинган ҳудуддан бир йилга ва асосий қарзни ойма-ой қайтариб бориш шарти билан беришди.

Масаланинг ечими таълим кредити тўғрисидаги низоми қайтадан ишлаб чиқиш ва унда тижорат банклари учун алоҳида кредит манбасини аниқ белгилаш, кредитни бакалавр йўналишида 5 йиллик имтиёз билан 10 йилга ва доимий рўйхатдан ўтган ҳудуддан катъи назар, талаба мурожаат этган тижорат банкидан берилиши кўрсатилиши керак, деб ўйлайман.

Тижорат банклари кредит тамойиллари

Тижорат банки кредитларидан фойдаланган шахсдан ёки банк йўналишида ўқиган талабадан кредит тамойиллари нима, деб сўрасангиз, кредитни ўз вақтида қайтиши, маълум муддатга ва фоиз билан берилиши ҳамда кредит таъминланган бўлиб, маълум мақсадларга ишлатилиши керак, деб жавоб беради. Чунки Марказий банкнинг тижорат банклари томонидан кредит беришга қўйилган талабларида ва барча банк соҳасидаги дарсликларда азалдан кредитнинг юқорида қайд этилган бешта шарт, унинг тамойили, деб кўрсатилган. Афсуски, шундай йўл билан иқтисодиётда ссуда маблағидан фойдаланиш чегаралаб қўйилган.

Маълумки, Марказий банкнинг кредит шартлари сифатида кўрсатилган тижорат банклари учун тавсия бўлиб, ҳар бир кредит берувчи субъект Ўзбекистон Республикаси қонунларида ривож қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг «Банк операциялари» деган 4-моддасини ўқиймиз: «Банклар ўз фаолиятларида қўйидаги банк операцияларини амалга оширадилар: ... кредитларнинг қайтарилиши, фоизлиги ва муддатлиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш». Қонун 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган ва амалда бўлган 23 йил давомида 12 маротаба (охиргиси 2019 йил 16 январда) ўзгариш киритилган. Аммо қонуннинг 4-моддаси тахририга ҳеч кимнинг эътирози бўлмаган ва у тўғри, деб ҳисобланган. Демак, тижорат банклари амалиётида ва назарий фанларини ўқитилишида мазкур қонун бузилган, деб айтиш мумкинми?

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг муҳокамаларида ва қабул қилиш жараёनларида қатнашганимиз сабабни айтишимиз мумкинки, унинг ҳар бир банди ҳар томонлама, жумладан, бозор иқтисоди тамойилларида мос келиши кенг муҳомамадан ўтган ва шунинг учун ҳали ҳанузгача амалда қўлланиляпти. Нима сабабдан қонуннинг 4-моддаси амалда бузилган бўлса-да, шу пайтгача ҳеч кимда эътироз бўлмаган? Тижорат банклари амалиётида кредитнинг таъминланганлиги ва уни мақсадли ишлатиш тамойиллари қонунга хилоф тарзда киритилган. Тижорат банклари 25 йил ўз ҳимоясида ишлаб, турли шартлар қўллашган бўлса, янги Ўзбекистон иқтисодини тиклаш ва ривожлантириш даврида ушбу тўсиқларни бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кредит бериш амалиётини икки босқичга қисқартириш!

Тижорат банкларига шундай топшириқ берилганини қўлчилик асштан. Шунинг учун ҳам тижорат банкларининг баъзи эътирозларини қабул қилмай, реал ҳолатга изоҳ берамиз.

«Халқ банки» ва «Агробанк»да жами 370 дан ортиқ филиал бўлиб, бутун банк

тизимининг 43,9 фоизини ташкил этади. Шу ҳолда барча банкларнинг республика аппарати юридик шахс бўлиб, вилоят ва туман филиаллари бундай мақомга эга эмас. Улар банк бошқаруви раисининг ишончномаси асосида фаолият юритадилар. Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳони қонун ижодкорлари беришларидан умид қилиб айтиш мумкинки, мазкур тақриба тизимда субъективизмга олиб келди ва бугунги талабга мутоқ жавоб бермайди.

Масалан, туман ёки вилоятда яратилган моддий бойлиқдан тушган маблағ банк филиалидаги мижоз ва банкнинг ягона ҳисоб рақамида қайд этилади. Яъни, маблағ республика банки ихтиёрига ўтиб, ўрта поғонадаги раҳбарнинг ихтиёри билан тақсимланади. Бундай тақрибадан қўлчилик маблағи бор тадбиркорлар яқин-яқингача зарар кўрганлигини биламиз.

Тижорат банклари тахрибасидан ушбу ҳолатни тўлиқ бартараф этиш, ҳар бир туман, вилоят раҳбарининг фаолиятига баҳо бериш учун ҳудудда яратилган маблағи ва банк филиалига ажратилган устас сармояси туман филиали вакиллик ҳисоб рақамида сақланишига қатъий ривож қилиниши керак. Туманда ва вилоятда яратилган маблағ аввало ушбу ҳудуд иқтисодидаги хизмат қилиши керак. Ортиқча маблағи бошқа банклар ёки банкнинг бошқа филиалларига маълум муддат ва фоизда қарзга бериш амалиёти жорий этилганда банк тизими ҳудуд манфаатини ҳимоя қилган ҳолда, бугунги янги иқтисодий сиёсатимиз талабларига жавоб бериши мумкин.

Ҳудудда яратилган маблағ банк филиалида сақланиши ва ҳар бир банк филиалига тегишли бўлган устас сармояси ўзига бериб қўйилиши ҳамда ўзидега етишмаган маблағи бошқа молиявий ташкилотлардан сотиб олиши билан унинг маблағ масаласида мустақиллиги таъминланади. Лекин филиал асосий иши — аҳоли ва ҳўжалик корхоналарига кредитлар беришда ҳали-ҳанузгача республика банкига боғланиб қолган.

Юртбошимиз «тижорат банклари кредитни расмийлаштиришни ҳеч бўлмаса икки босқичга туширсин», деб таъкидлади. Чунки кредит бериш амалиётида туман филиали вилоятга, вилоят республикага ва республика банки Марказий банкга мурожаат этар эди. Демак, кредит чиқарилишига рухсат бериш тўрт босқичда олиб бориладди.

«Раҳбариятнинг назорати билан маълум сумагача туман ва вилоят банкларига мустақиллик берилган», деб айтмиш-да, лекин амалда кредит беришни энг камида уч босқичда амалга оширамиз.

ТАХРИРИЯТДАН: Ушбу мақолада кўтарилган масала низоётда долзарб, деб ўйлаймиз. Албатта, муаллиф келтирган фикр ва таҳлиллар баҳсли бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун мақола бир олимнинг шахсий нуқтаи-назари, тақлиф сифатида берилади. Бу тақлиф Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурини пишиқ-пухта тайёрлашга масъул бўлган партияимиз Марказий Кенгашидаги ишчи гуруҳ томонидан эътиборга олинади, жойларда иш ўринлари яратилишига беэвосита алоқадор бўлган бу масала атрофлича ўрганилади, деган умиддамиз.

ОҲАНГАРОН КЕНГАШИ РАИСИ энди жим турмаймиз, деди



йўллар, коммунал хизмат сифати, табиий газ ва электр энергетика масалалари билан боғлиқ — дейди Ўзбекистон ХДП Оҳангарон туман кенгаши раиси Феруза Холтўраева. — Узоқ йиллар давомида шу масалаларга жиддий эътибор қаратилмаган, мутасаддилар ўз

ишига масъулиятсизлик билан ёндашган. Акс ҳолда, ҳамма жойда деярли бир хил муаммолар йиғилиб қолмаган бўларди. Тан олиш керак, бунда партияимиз фаоллари, депутатларнинг ҳам катта айби бор. Энди жим турмаймиз, юз-хотир, андиша, деган тушунчаларни четга суриб, аҳоли манфаати учун ҳаракат қиламиз, курашамиз. Чунки ижтимоий муаммоларни ҳал этишининг бошқа йўли йўқ.

Албатта, партия фаолининг гапида жон бор. Бироқ гап билан амалий иш нақадар уйғун бўлишини вақт кўрсатади. Ўйлаймизки, мутасаддилар ҳам, ташаббус билан чиқаётган депутатлар, партия жонқуярлари ҳам мурожаатлар қорозда қолишига йўл қўйишмайди.

Ўз муҳбиримиз.

ҲУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

ЎНТА ЕТТИ ҚАВАТЛИ УЙ,

иккита мактабгача таълим муассасаси ва янги туғуруқ мажмуаси термизликларга ҳақиқий байрам тўхфаси бўлди



Тўйга тўёна билан бориш халқимизга хос қадриятлардан ҳисобланади. Бундай анъаналар байрамлар арафасида янада кенгроқ намоён бўлди. Мустақиллигимизнинг 28 йиллик шодоналари уй тўйларига янги ижтимоий объектларни фойдаланишга топшириш тантаналарига айланган кетди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар марказида элликка яқин иншоот қуриб битказилди, — дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Райхон Раҳимова. — Байрам арафасида 420 хонадонга мўлжалланган ўнта кўп қаватли арзон уй, 585 нафар болажонга мўлжалланган мактабгача таълим муассасалари ҳамда 90 ўринли туғуруқ мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу каби бунёдкорликлар одамлар турмуш шароитини яхшиламоқда, янги иш ўринларини яратмоқда.



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ — ЯНГИ МАКТАБЛАРДА

Термиз туманида эса 35-, 36-умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда 23-сонли мактаб филиалининг янги бинолари фойдаланишга топширилди. Тантанали тадбирларда сўзга чиққанлар таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва билим, соғлом, юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш борасидаги долзарб вазифалар хусусида тўхталиб ўтишди.

Қурилиш-бунёдкорлик ишлари учун 10 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган таълим масканларида фарзандларимизнинг пухта билим олиши учун барча зарур шaroитлар яратилган. Ўқув ва лаборатория хоналари, компьютер синфи давлат таълим стандартлари асосида жиҳозланган. Фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун эса спорт зали бунёд этилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, журналист.



ИЛМ-ФАНГА СУЯНМАЙ, ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАМАЙ, тараққиётга эришиб бўлмайди



Ботиржон СУЛАЙМОНОВ, Ташкент давлат аграр университети ректори, академик:

— Президентимиз қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги бўйича улкан салоҳиятга эга эканлиги, бозорларимиз тўқин, халқимиз ризиқ мўл-кўл бўлишидан тортиб, экспортдан қўшимча даромад топишгача бўлган жуда кўп масалалар шу йўналиш билан бевосита боғлиқлигини таъкидлади.

Тўғри, Президентимиз айтганидек узоқ йиллар давомида агар соҳага етарлича эътибор берилмади. На бозор иқтисодиёти, на ерга муносабат, на манфаатдорлик бор эди. Маблар,

илмий инновациялар жалб этилмади. Оқибатда ерлар чарчаб, унумдорлик пасайиб кетгани сир эмас.

Бойси, фермерларимиз алмашлаб экиш деганда, фақат пахта-галлани тушуниб, яъни бир йили галлани экса, иккинчи йили унинг ўрнига пахтани қайта-қайта экаверди. Оқибатда ер шу аҳволга келиб қолди. Орада сабзавот маҳсулотларини ҳам экиш лозимлигини эсдан чиқариб қўйишди. Бундан ташқари, илмий асосланган агротехника тадбирларини ҳамда илмий асосланган ўқитларни ўз вақтида бермаслик оқибатида ҳосилдорлик кўзланганидек бўлмай қолди. Халқ тилида айтганда, «ерни жони сугуриб олинди». Қишлоқ хўжалиги ривожланган хорижий давлатларда ерга муносабат умуман бошқача. Улар ерга биогомус ва микроўғитларни ўз вақтида, ҳаттоки минутма-минут ҳисобини олган ҳолда беришади. Шу боисдан улар ўзлари режалаштирган ҳосилни олади. Бизда-чи, фермерларимиз бу қоидаларга эътибор қаратиш олтин қоида эканлигини ёддан чиқариб қўйишди, назаримда.

Бир сўз билан айтганда, фермерларимиз ерга бўлган муносабатни бутунлай ўзгартиришлари лозим. Ерга меҳр беришни ўрганишимиз керак. Шундагина кўзланган ҳосилдорлиқни олишга эришилади. Бугунги кунда 77 минг фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлса, уларнинг ҳаммаси ҳам олий маълумотга эга эмас, Яъни, уларнинг 30 фоизи

олий маълумотли бўлса, шундан 20 фоизи айнан қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисидир. Уларнинг ердан оладиган ҳосилдорлиги бошқаларга нисбатан кўпроқ.

Мен нима демоқчиман, қилинаётган илмий кашфиётларни фермерлар амалда қўллашлари лозим. Мисол учун ер унумдорлигини ошириш бўйича 20 дан ортиқ докторлик иши қилинди. Бу ишлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатиши учун амалиётда қўлланилиши керак. Аммо фермерларимиз бу янгилар билан умуман қизиқишмайди. Шу боис кейинги йиллардан бошлаб ҳар бир туманда ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этиш тақлифини илгари сурмоқдамиз. Олимларимиз томонидан қилинган янги кашфиётларни ушбу марказлар орқали фермер хўжалиқларига етказишни мақсад қилмоқдамиз. Ҳар бир қилинган илмий изланишлар ернинг унумдорлигини ошириб, ҳосилдорлиқни кўтаришга хизмат қилиши лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, фермерларимизнинг ерга бўлган муносабатини янги босқичга кўтариш учун қишлоқ хўжалиги соҳасига илм-фанни кенг миқёсда татбиқ этиш керак. Университетимизда сўнгги икки йил ичида 20 йўналишда янги кадрлар тайёрланмоқда. Бундай янги йўналишлар йилдан-йилга кўпайиб бораверади. Чунки қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожини ҳам айнан илм-фан устуқларидан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Муносабат

Депутат Комила Каромова мақсадига етди

Ғузор туманидаги «Мўминобод» маҳалласида янги мактаб филиали қурилди

— Ғузор туманидаги 21-мактаб «Ботош» қишлоғида жойлашган. «Мўминобод» қишлоғи билан унинг ўртасида 5 км. масофа бор. Мўминободлик болалар 21-мактабга ўқишга қатнашар эди, — дейди Ғузор туманидаги «Мўминобод» маҳалласи фаоли Амирхотам Махмудов. — Тўғриси, қишнинг қорли, қишлоғи, ёмғирли кунларида болалар шунча масофадаги йўлда қийналиб мактабга борарди. Айниқса, бу бошланғич синф ўқувчилари учун жуда қийин эди. Улар йўлда йиғлаб кетаётганига ўзим кўп ғувоҳ бўлганман.

Тасаввур қилинг, ичи китоб ва дафтарлар билан тўла сумкани 5 км. йўлга кўтариб кетиш ҳажми бола учун қанчалар қийин. Айниқса, ёмғирли, қорли кунларда улар гоҳ йиқилиб, гоҳ суришиб, лой қўчалар оралаб мактабга кетарди. Йўл-йўлакай қайсидир боланинг сумкаси қўлидан тушиб кетар, баъзи ўқувчилар чарчаб қолиб, ора-сирада дархатлар панасида дам олиб, кейин яна йўлда давом этарди. Хуллас, қишлоғимиз болалари учун мактабга бориб-келиш азоб эди.

2014 йилдан бери қишлоғимизда мактаб қуриш бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат қилиб келамиз. Ҳар йил кутдик, масала ҳал бўлмади. Бу орада илтимос билан ариза ёзмаган ташкилотимиз, тақиллатмаган эшигимиз қолмади ҳисоб. Тоқатимиз тоқ бўлди, умидимиз кундан-кун сўниб борарди. Охири, депутатимиз Комила Каромовага мурожаат қилдик. Унинг ёрдами билан қишлоғимизда мактаб филиалини қуриш масаласи 2019 йилги дастурга киритилди. Қурилиш ишлари шу йилдан бошланди. Мактабимиз қурилиши ниҳоялаб қолди. Лекин ҳали камчиликлари кўп. Депутатимиз бош-қош бўлиб турса, ҳамма иш охирига етди. Ёмғирли, қиш-қировли кунлар яқин. Маҳалламиз болалари мактаб яқин бўлишини ўйлаб, қанчалик қувонаётганини тушунган одам тушунади. Ҳаммамиз туманимиз ҳокимига, депутатимиз Комила Каромовага минг раҳмат ай-

тамиз, ташкилотчилар, қурувчиларни дуо қиляпмиз...

«Мўминобод» маҳалла фуқаролар йиғинида Файзиобод, Мўминобод, Дарвозакам, Тинчлик ва Батош қишлоқлари бор, 675 та хўжалик, 975 та оила ва 4288 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Депутат Комила Каромова бу муаммони ҳал этишга қаттиқ бел боғлади. Қўлаб, ҳаф талаб, керак бўлса, ойлаб шу ҳудудда бўлди, мутасаддилар билан учрашди, тақлифларини берди.

— Туну-кун шу муаммони ечиш ҳақида ўйлардим. Болаларнинг қишнинг изғиринли, совуқ кунларида 5-6 км. узоқликдаги мактабга қандай қийинчиликлар билан қатнаши ҳаёлимдан кетмади. Тўғри, бутун бир мактаб қуриш, уни жиҳозлаш осон иш эмас, лекин мен ҳаммаси учун қатъий туришга, масалани охиригача ечишга жиддий киришдим. Чунки бунинг ортида бир эмас, минглаб фуқароларнинг, қўлаб оилаларнинг, юзлаб фарзандларимизнинг манфаати турибди. Бунга бефарқ қарашга ҳақимиз йўқ, — дейди Комила Каромова суҳбат жараёнида.

Шундай қилиб маҳалла ҳудудидан ер ажратилди. Мутасадди ташкилотлар, шу масалага алоқадор барча идоралар вакиллари бу ерга жам бўлишди. Албатта, депутатимиз Комила Каромованинг ўзи ҳамма ишнинг бошида турди. Ёзининг қўйли, жазирама кунларида ҳам мактаб филиали қурилаётган ҳудуддан бир дақиқа бўлса, бошқа жойга кетмади. Ҳаммасини ўз назоратида ушлаб турди. Энг муҳими, бу ҳаракатлар бесамар кетмади.

Эндиликда Мўминобод, Файзиобод қишлоқларининг болалари ўз уйига, қишлоғига яқин бўлган мактабга эга бўлишди. «Мўминобод» қишлоғида 120 нафар ўқувчи учун мўлжалланган мактаб филиали биноси қурилди. Ота-оналар олдинда турган қишнинг изғиринли, совуқли кунлари-

дан хавфсирмайдиган бўлди. Чунки энди фарзандлари мактабга бориш учун 5-6 км. йўлни босиб ўтишига ҳожат қолмади...

Маълумот ўрнида айтиш керакки, мактаб филиали дастурга асосан 2019 йилнинг 4-чорағида қуриб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Лекин қишлоқ аҳолисининг истагини инобатга олган ҳолда туман халқ таълими бўлими ички имкониятдан келиб чиқиб, мактаб филиали ўз фаолиятини 2019 йил 3 сентябрь куни бошлади. Очилиш маросими эса шу йилнинг октябрь ойида ўтказилиши кутилимоқда. Сабаби, дастурга кўра, таълим маскани учун парта ва столлар, доскалар, лаборатория жиҳозлари ва бошқа ўқув анжомлари 2019 йилнинг IV чорағида келтирилиши режалаштирилган ва туман молия бўлими режаси асосида молиялаштирилган.

Шунга қарамайдан таълим даргоҳи 21-мактабнинг асосий биносидан келтирилган парта, доска ва стуллар билан ўз ишини бошлаб юборган. Мактаб филиалида 8 та синф хонаси бўлиб, 120 нафар ўқувчига мослаштириб қурилган ва ўқил-қизлар 2 сменада ўқитилмоқда.

Ўқучилар ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд. Депутатнинг ўзи ҳам. Бугун Комила Каромова билан боғландик. Маълум бўлишича, депутат айни кунда ҳам Ғузор туманининг «Мўминобод» қишлоғида экан.

— Мактабда ўқувчилар таъсил олишни бошлаб юборишди. Лекин ҳали бир-икки та ечилиши керак бўлган масалалар бор. Ҳамма муаммо ҳал бўлгач, қўнғим хотиржам бўлсагина, кейин бу ердан кетаман, — дейди депутат...

Лазиза ШЕРОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири.



Ширкат раиси найранглари

нега жазосиз қолмоқда?

Мамлакатимизда кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган аҳолига қулай шароитлар яратиш, коммунал хўжалигини тартибга солиш мақсадида 2006 йил 12 апрелда «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» қонун қабул қилинган эди. Орадан 13 йилдан кўпроқ вақт ўтибдики, аҳоли кўп қаватли турар жойлардаги муаммолардан халос бўла олмапти.

2017 йил 18 апрелда Президентимизнинг «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилиниб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди. Шу муносабат билан Уй-жой кодекси ҳамда «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қўлай имкониятлар яратилди.

Ширкатларни моддий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш учун кредит тизими жорий этилди. Афсуски, яратилган имкониятлардан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланаётганлар учраб турибди. Айрим ширкат раҳбарлари банкдан олган миллион-миллион сўм кредитларни номигагина, чала-чўлла бажарилган таъмирлаш ишлари билан ёпиб, унинг бадаллари уй-жой мулкдорлари чўнтағи ҳисобидан тўланаётган ҳолатлар ҳам аниқланмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани, Хумоюн маззасида биринчидан олтинчи-ча бўлган кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган фуқаролардан ўттиз нафарга яқини имзо чеккан ширкоят хати тахририятимизга келиб тушди.

— 2016 йилнинг ноябрь ойида бизлар яшаётган кўп қаватли уйнинг туппа-тузуқ асфальт қўлламали ҳовлиси «Хумоюн гунча коммунал» ширкат раиси Фарҳод Жабборов ёллаган ишчилар томонидан бузиб ташланди, — дейди ширкоятчилардан бири Актам Жалолов. — «Нима гап?» деб сўрасам, асфальтни олиб ташлаб, бетон қўллама қиламиз, дейишди. Ширкат раисини топиб, қиш пайтида ҳовлидаги асфальт кўприб ташланса, бу ерда яшаётган аҳоли, айниқса болалар қийналиб қолганини тушутирдим. Лекин у гапимга қўлоқ солмади, «Ишингиз бўлмасин, бу топшириқни туман ҳокими ва прокурори берган. Сизга ҳисобот беришим шарт эмас, нимаки қиладиган бўлсам, шу маҳалла аҳолиси ман-

фаатини ўйлаб қиладиман», деди. «Бунинг тўлови қандай бўлади?» — деб сўрасам, «Сизнинг чўнтагингиздан бир сўм ҳам кетмайди», деди.

Хуллас, 2017 йилнинг январь ойида ҳовлини бетонлаш ишлари бошланди. Ҳаммаёқ лой, балчиқ, қиш бўйи кўп қаватли уйларда яшаётган аҳоли жуда қийналди. Бу ишлар чала-чўлла якунланиб, февраль ойида ишчилар ҳовлидаги 3 та тўққиз қаватли, 3 та беш қаватли уйларнинг фасад қисми ҳамда подъездларини зудлик билан таъмирлашни бошлади. Маҳалла аҳоли ширкат томонидан қилинаётган бундай «гамхўрликлар»дан ҳангу манг эди. Чунки яқин 5-10 йил ичида ширкат томонидан бирорта арзирли иш қилинганини эсломлайман. Ишчилар бу ишларни ҳам қўл учида бажариб қўйиб бўлишди...

Шундан кейин аҳоли томонидан ширкат устидан қилинган шикоятлар асосида маҳаллада туман ички ишлар бўлими масъуллари ҳамда прокуратура ходимлари иштирокчида очик мулоқот бўлиб ўтди. Унда кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг «Хумоюн гунча коммунал» ширкати раисига нисбатан эътирозлари тўғри деб топилиди ва чора кўришга ваъда берилди. Лекин ёзиб олинган эътирозлар ҳам, берилган ваъдалар ҳам қўлга синган сувдай исзис кетди.

Шу десангиз, қизиги кейинроқ бошланди. 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигидан бошлаб «таъмирдан» чиқарилган уйлар аҳолиси учун бадал тўловлари бирданига 20 фоизга оширилди. Сабаби, ҳовли бетон қилинган, подъездлар таъмирланган...

Маълум бўлишича, ширкат раҳбари Фарҳод Жабборов уй-жой мулкдорлари билан келишмасдан банкдан бир миллион сўмдан зиёдроқ кредит олган, шунинг учун зудлик билан хўжайкурсинга «таъмирлаш» ишларини бошлаган экан.



Қишда, ёғинарчилик шароитида амалга оширилган бетонлаш ишлари сифатсиз бажарилгани учун майдонча яроқсиз аҳволга келиб қолди. Ҳозир маҳалла ҳовлисига қараб бўлмайди. Қишда тўқилган бетон кўчиб, ҳаммаёқ шағал, қум бўлиб ётибди, «таъмирланган» подъездлар яна таъмирталаб... Жуда катта микдордаги пулни ўзлаштирган ширкат раиси эса қўл остида уста бўлиб ишлаётган Наримон Юсуповни ўз ўрнига қўйиб, жуфтаникни ростлабди. Янги «раис» ҳам бир муддат нима қилишни билмай ширкат ҳужжатларини ҳеч кимга топширмаддан қўйиб бўлди...

— Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзолари кўп квартираларда умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалларни қиритади, — дейди шу маҳаллада яшовчи Абдуллоҳ Қўбонов. — Уларнинг микдорини умумий йиғилиш белгилайди. Бадал микдори уй учун зарур ишларни бажаришга даромад ва харажатлар сметасида режалаштирилган харажатларга мувофиқ қилиниши керак. Қаерни таъмирлаш ва бадал микдори қанча бўлиши, ширкат раисининг фаолияти уй-жой мулк-

дорлари томонидан назорат қилинмаган. Ширкат раиси маҳалладаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш учун кредитдан ҳам ҳеч қандай хабар йўқ. Бунинг устига, олинган маблағнинг учдан бири ҳам ишлатилмаган.

Холбуки, ўша 6 та кўп қаватли уйнинг хонадонларида иситиш тизими яхши ишламайди, ертўлалар аҳолиси ночор. Бунинг устига, ҳаво алмаштиригичлар ишламайди. Сув қувурлари хизмат муддатини ўтаб бўлган. Қорли-ёмғирли пайтларда уйларнинг юқори қисмидаги хонадонлардан чакка ўтади. Олинган кредит маблағлари шунга ишлатилиши керак эмасми?

2019 йил 30 апрелда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан Хумоюн МФЙда жойлашган «Хумоюн гунча коммунал» ширкати фаолияти текширилганда шикоятчилар ҳақлиги аниқланди. Текширувчилар томонидан тузилган даълолнома асосида ширкат раиси Фарҳод Жабборов ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо

берилиши керак эди. Аҳоли уни жиноий жавобгарликка тортишни сўраб қатор суд-хуқуқ идораларига мурожаат қилди. Лекин натижа бўлмади. Ширкат аъзолари томонидан бу ташкилотта, Тошкент шаҳар прокуратурасидан Мирзо Улуғбек туман прокуратурасига юборилиб, ўз ечимини топмапти.

Шу ўринда таъкидлаш керак, жорий йилнинг 25 июль куни Олий Мажлис Сенатида Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг мажлисида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2019 йил биринчи ярим йиллигида амалга оширилиши белгиланган мақсадли вазифаларни бажариш юзасидан ҳисоботи тингланган эди. Маълумотларга кўра, 2019 йил давомида бу вазирликка 28 та мақсадли вазифа юклатилган. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида бажарилиши лозим бўлган 8 та топшириқдан аттиги биттаси бажарилибди ҳалос. Катта арава қардан юрса, кичик арава ҳам ўша ердан юради, деганлари шу бўлса керак.

Мажлис якунида уй-жой-коммунал хўжалигини янада ривожлантириш мақ-

садида қонунчиликка ўзгартишлар киритиш, соҳага оид қонун ҳужжатларини қайта ишлаб чиқиш ва уларда кўп хонадонли уйларни бошқаришнинг замонавий инновацион шакллари ва усуллари ни мустаҳкамлаш юзасидан қарор қабул қилинди.

Албатта, қарор ижроси билан гўзал. Лекин ширкатлар раҳбарияти томонидан қурилиш ва таъмирлашдаги нуқсонлар тўғрисида ҳужжатлар ва келгуси даврга мўлжалланган сметалар тузмасдан бадаллар микдорларини ўзбошимчалик билан белгилаш ҳолатлари ҳозиргача давом этаётганини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Ширкат аъзолари томонидан қарор қабул қилиш тартибига риоя қилмаган ҳолда ширкатларни кредитлаш ҳолатлари учраб турибди. Натижада ширкат мулкдорлари бундан азият чекмоқда, жабр кўрмоқда.

Ширкат раҳбарлари томонидан сохта баённомалар ва бошқа ҳужжатлар тузилиши, маблағлар сарфланиши тўғрисида керакли ҳисоботлар йўқлиги ҳам сир эмас. Ўз навбатида, соҳада олиб борилаётган ишлар сифати устидан уй-жой эгалари томонидан самарали назорат ўрнатилмапти. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ширкат фаолиятига асоссиз аралашуви ҳам соҳада ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 6 август куни «Кўп квартиралар уйларни бошқариш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ҳужжатда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, кўп квартиралар уйларни бошқаришда давлат органлари билан муносабатлар қўзда тутилган.

Ҳозир ширкатлар фаолиятини билгинг тизимига ўтказиш устида иш олиб борилаётган экан. Бу йўналишда иш бошлангач, ҳеч бир ширкат ўз ҳисобидига маблағдан ноқонуний мақсадларда фойдалана олмайди. Унинг ҳисобидига пуллар вазирлик назоратида бўлади. Шунда ширкат аҳолидан йиғилган бадални фақат ўша уйнинг моддий-техник ҳолатини яхшилашга сарфлайди.

Хўш, «Хумоюн гунча коммунал» ширкат раиси Фарҳод Жабборов томонидан қилинган найрангларга қим ҳуқуқий баҳо беради? Ёки у банкдан кредитга олинган маблағни туя қилиб, бадал тўловини ширкат аъзолари бўлинига олиб, ялло қилиб юраверадими? Аслида бундай ҳолатлар оз эмас. Назорат бўлмагач, жазо қўрилмагач, найранглар давом этаверади-да.

Нуруллоҳ ДОСТОН, Ўзбекистон овози» муҳбири.

Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз.

ДАЪВАТКОР СЎЗ ҚУДРАТИ

МАЪНАВИЯТ


Инсон тирик мавжудотлар орасида ҳис этиш, меҳр-оқибат кўрсатиш, шафқат қилиш, фикрлаш, хулосалаш қобилиятлари билан ажралиб туради. Ўз навбатида фикрлаш, хулоса чиқариш, бирор масалага муносабат билдириш кишининг фикр доирасига боғлиқ. Тафаккур ва дунёқараш қандай бўлишини эса ўқиш, изланиш ва билиш белгилайди.

Билиш эса илм олиш билан, ўз навбатида илм олиш, саводхонлик билан, саводхонлик эса кўпроқ, турли мавзуларда китоб ўқиш орқали орттирилади. Барча буюк инсонлар ҳаёти ва ижодий фаолиятига назар солсангиз, улар умр бўйи ўқиб, ўрганиш орқали етуклик мақомига етганига гувоҳ бўласиз. Узоқ бормайлик, биз фахр ва ифтихор билан номларини тилдан қўймайдиган, дунё тамаддунига ўз ақл машъаллари билан нур таратган Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, ал Фарғоний каби юзлаб боболаримиз илм олиш, буюк кашфиётлар қилиш учун дунё кезиб, билим тўплаганлар. Уларнинг ҳаёт ва ижод йўллари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилсангиз, боболаримиз илм олиш аъмоли билан бир умр машғул бўлганлар. Илм уларни маърифатга етаклаган, маърифат эса маънавиятнинг асосидир.

Маънавиятнинг ўзи нима, деган саволга турли даврларда турлича муносабатлар билдирилган. Кимдир маънавият маданиятнинг ичиди, бошқар маънавият маданиятликнинг белгиси деб таърифлайди. Ҳозир мақсадимиз масаланинг фалсафий тарафи ҳақида баҳс қилиш эмас, балки, буюк аждодлар вориси сифатида бугунги маънавиятимизнинг айрим муаммолари ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришдир.

Аввало, таъкидлаш керакики, давлатимиз раҳбарининг Хоразм, Фарғона, Андижон, Қашқадарё вилоятларида юз берган ҳолатлар муносабати билан ўтказган видеоселектор йиғилишида айтган аччиқ гаплари соғлом фикрли ҳар бир кишини қаттиқ ўйга толдириди.

Масаланинг айрим жиҳатларига эътибор қаратайлик: Одамлар бир-бирининг қадрига етаятлениши? Раҳбарлар томонидан ҳодимлар ҳуқуқини поймол этиш, иззат-нафсига тегиш ҳоллари учраб турибдими?



Хотин-қизлар орасида жиноятчилик, енгилтақлик ҳолатлари озми, кўпми? Мансабдорлар орасида халқ мулкани талон-тарож қилиш, пора эвазига иш битириш, била-кўра туриб маҳаллийчилик қилиш каби коррупцион ҳолатлар мавжудми? Мансаб лавозимни суиистеъмол қилиш, кибрга берилиш ҳолатлари давом этаётганими?...

Бу каби саволларни истаганча тузиш мумкин. Агар ушбу саволлар қаршисига “ҳа” ёки “йўқ” деган жавобларни жойлаштирсак, маънавиятимизда ташвишли ҳолатлар оз эмаслиги яққол кўринади.

Ҳўш, нима қилиш керак? Маънавият газлама эмаски, ундан қўйлақ қилиб, ҳаммага улашсак. Демак, жамиятда инсон тафаккурини уйғотиш, ор-номус, ғурур, мардлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришнинг янги, таъсирчан воситаларидан фойдаланиш устида ўйлаш керак.

Давлатимиз раҳбарининг, айниқса, ёшлар маънавий савиясини ўстириш, уларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ фармон ва қарорлари, маънавият бешиги – таълим соҳасида яратилаётган имкониятлар, мактабга таълим тизимининг йўлга қўйилиши, ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилиш, ижодкорлиқни рағбатлантириш, Президент мактаби, ижод мактаблари, ноёб истеъдод эгаларини юзага чиқариш учун қўрилаётган бошқа чора-тадбирлар жамият маънавиятини юксак савияга кўтаришга қаратилган.

виёга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Маънавий юксаклик жамиятни янгилайдиган, уни порлоқ келажакка етаклайдиган қудратли кучдир.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишланган байрам тантанасида сўзлаган нутқида бу масалага яна бир бор эътиборимизни қаратди: “Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халқда, Ватанга чин юракдан ҳизмат қилиш деганидир. Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизгин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади.”

Бу сўзлар мағзини чуқуб, хулосалар чиқариб олиш учун чуқур ўйлаб кўриш керак бўлади. Асрлар давомида Ватан, мустақиллик туйғуларини қалбда асраб келган халқимизнинг тақдири, мамлакатимизнинг истиқболи, ҳеч шубҳасиз, келажак авлодларнинг маънавий тарбиясига боғлиқ. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, фарзандларини билимли ва ҳар томонлама баркамол авлод этиб тарбиялашни ўзининг бурчи, деб ҳисоблаётган ота-оналар қўлчиллигини ташкил этади. Уларнинг фарзандларини бугун элу қоринининг юзи, обрў-эътибори, фахри, ифтихори ва таянчидир. Бундай ёшлар томони-

дан фан, адабиёт, санъат ва спортда қўлга киритилаётган ютуқлар мамлакатимиз келажакнинг ҳар қанонгидан ёрқинлигига далolatдир.

Афсуски, шундай имкониятлар яратилаётганига қарамай, маънавият масаласида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар қўлчиллигини ҳам таъкидлаш зарур. Масалан, мамлакатимизда хотин-қизлар орасида эскича маърузабозликдан кўра, ор-номус тарбияси, ватанпарварлик ҳиссини уйғотишга қаратилган даъваткор шiorлар катта самара беради. Яқинда бу ишга масъул идоралар ташаббуси билан пойтахтнинг айрим бозорларида кутубхоналар кўринишида маънавият бурчаклари ташкил этилди. Аммо кузатишлар шуни кўрсатаётки, бозорлар бурчакларида ҳўжакўрсинга ўрнатилган бундай масканларга одамлар деярли қирмаяпти. Эҳтимол, бунинг ўрнига бозорларнинг кўзга кўринарли жойларида бир муштираф оғиз тилидан, унинг ташвишли сиймоси акс эттирилган сурат ёнида қўйидаги сўзлар битилса таъсирчанроқ бўлмайди? “Оқила қизим, болажоним, аввало, аёллигингни унутма! Умид билан тарбия қилаётган фарзандларинг келажиги учун масъулсан, Уларнинг илмли, доно ва элу юрт қорига ярайдиган баркамол инсон бўлиб етишишига бор имкониятнинг ишга сол! Бунинг учун ўзинг ҳам етарли билим ол! Уйингга егулик ноз-неъматлари қаторида биттагина китоб ҳам олиб

қир. Китоб – ақл қайроғи, инсон шуурига нур бағишлайдиган мўъжиза. Хонадонинг маънан чарогон э! Элу юрт, маҳалла қўй, она Ватанинг сен билан!” Ё бўлмаса, “Мухтарама аёл, сен халқ келажигини бунёд этиш учун масъулсан! Муқаддас аёл деган мартабаңгни азиз бил, ўзингни пок тут.

Бу каби самимий, ҳароратли сўзлар битилган плакат ва баннерлар кўпроқ фойда келтиради. Ёки буклетлар ва тарқатма материаллар кўринишидаги тарғибот ишларига эътибор қаратиш керакдир...

Ана шундай турли мавзуларга бағишланган даъваткор баннерларни керак бўлса, аҳоли гавжум қўчалар ва майдонларга, истироҳат боғларига, маҳалла гузарларига ҳам ўрнатиш фақат фойда келтиради, деб ўйлайман. Телевидениеда айнан шу каби долзарб мавзуларда кўрсатувлар тайёрлаш, баҳс ва мунозаралар уюштириш одамларга кўпроқ таъсир қилиши мумкин.

Дунё тарихига эътибор берсангиз, мамлакатлар ўз юксалиш йилларида ҳаммаша даъваткор сўзга таянган. Ҳар қандай ютуқнинг 70 фоизи реклама орқали қўлга киритилишини ҳисобга олсак, таъсирчан тарғибот, одамлар кўнглига топишган йўл орқали катта мақсадларга эришиш мумкин. Фақат ўша гапни топиш ва уни қандай айтишни билишимиз керакка ўхшайди.

Ўқтам МИРЗАЁР



ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

Кўкон қадимдан ўзининг бой маданий мероси, боқий анъаналари, амалий санъати билан донг таратган. Айниқса, ҳунаромандларнинг ижод маҳсуллари ҳали-ҳануз кенг жамоатчилиқни мафтун этиб келмоқда. Улар орасида ёғоч ўймакорлиги намуналари алоҳида ажралиб туради. Бу бежиз эмас, албатта.

Кўкон ёғоч ўймакорлиги мактаби сири

1950 йилларда археологик қазиш ишлари асносида Кўкон шаҳридан бироз жанубда жойлашган Қорабулоқ масканидан ўймакор ёғоч устунинг чала қуйган бўлаклари топилиши бу санъатнинг қадимийлигидан далolatдир. Зеро, археологлар мазкур санъат асари қолдиқларини милодий эранинг III-IV асрларига хос эканлигини эътироф этди.

Хўқанди Латиф XIII асрнинг йигирманчи йилларида мўғуллар томонидан вайрон қилинган, бошқа санъат соҳалари қатори, ёғоч ўймакорлиги санъати ҳам таназзулга учради. Кўкон хонлиги ташкил топгандан сўнггина қайта жонланди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида бу санъат тараққий этиб, Кўкон мактаби вуҷудга келди. Бу мактабни ўз даврида уста Акбарали Ҳайдарали ўғли, Уста Жамолiddин Шаҳобiddин ўғли, Бахриддин Жамолiddин ўғли каби усталар бошқариб келди.

XIX аср охирида мактабга “Ҳайдар фаранг” тахаллусига эга бўлган Ҳайдарали Нажмиддинов раҳбарлик қилди. Унинг ишини ўғли – Қодиржон Ҳайдаров давом эттирди. Кўкон мактаби фаолиятининг энг тараққий этган даври ҳам Қодиржон Ҳайдаров фаолияти билан боғлиқдир. Қодиржон Ҳайдаров ўз санъати ва устозлик фаолияти билан Кўкон ёғоч ўймакорлиги санъатида катта мактаб яратди. Ўймакорлик санъатини чуқур эгаллаган уста ўша пайтда ўз ижодида машҳур бўлган уч усул – бағдоди, исломий ва паргори нақшларини кенг қўллаган.

Ортимиз мустақилликка эришган, маънавий қадриятларимиз қайта тикланди. Хусусан, ёғоч ўймакорлиги санъатини ривожлантиришга ҳам эътибор қучайди. Ёғоч ўймакорлиги санъати Кўкон мактаби, Қодиржон Ҳайдаров мактаби фаолиятини устанинг набиралари – Мирзаусмон, Мирзаюнус, Ҳасанжон Умаровлар ва уларнинг фарзандлари ва шогирдлари давом эттириб келмоқда. Марҳум Ўзбекистон Қаҳрамони Абдуғани Абдуллаев устанинг ҳақиқий шогирди эканлигини намойиш этиб, республикамиздаги қўллаб-қувватлаш ва иншоотларни, жумладан, Имом Бухорий меъморий мажмуаси ҳамда Тошкентдаги Хотира майдонини қуриш ва безатиш ишларида саркорлик ва усталик вазифасини адо этди. Мирзаусмон ўз бобосининг номини абадийлаштириб, Қодиржон Ҳайдаров номли мактаб-устахона ташкил этди.

Ҳасанжон Умаров санъаткорнинг набираси эканлигини исботлаб, санъат борасидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби юксак унвонига сазовор бўлган. Бу сулола вақиллари анъаналарга содиқ бўлиб, амалий санъатни янада ривожлантирмоқда. Бугунги кунда устанинг еттинчи авлодидан бўлган Абдулҳаким, Абдулазиз ва Абдурахмон Умаровлар ушбу шарафли касбни ифтихор билан давом эттирмоқда.

Ёғоч ўймакорлиги ўта синчковлик, маҳорат талаб этадиган санъатдир. Абдоржон Қосимов ҳам мазкур санъатга ёшлигидан қизиқиб, уни кунт билан ўрганди. Тошкентдаги Республика рассомчилик коллежиди айнан шу йўналишда таҳсил олди. Кўконли усталарга шогирд тушиб, уни мукаммал эгаллашга ҳаракат қилди. Ёш уста томонидан тайёрланаётган ёғоч ўймакорлигининг намуналари бугун хорижлик сайёҳларнинг ҳам қизиқиши катта.

– Халқаро ҳунаромандчилик фестивалига эллик турдан ортиқ ихчам ва кичик кўринишдаги маҳсулотларни тайёрламоқдаман, – дейди А.Қосимов. – Нақш солинган қўтичалар, муҳрлар, лавҳ ва бошқа маҳсулотлар шахримизга ташриф буюрадиган меҳмонларга совға қилинади.

Кўконлик ҳунаромандлар яратган ўймакорлик дурдоналари бугун хорижда ҳам машҳур. Айни кунларда мазкур санъат турини янада ривожлантириш, бу мактабга хос қадимий нақш усулларини қайта тиклаш йўлида ижодий изланишлар олиб боришмоқда. Бу эса ўзбек амалий санъатининг дунёда янада шухрат қозонишида айна муддао бўлаётир. Хусусан, халқаро ҳунаромандчилик фестивалида ҳам ёғоч ўймакорлигининг моҳир усталари ўз кўргазмаларини намойиш этади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА муҳбири.

АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА, МИЛЛАТ БАХТЛИДИР

Одатда, “муқаддас” сўзи ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қўлланилади. Шундай экан, нима учун гуноҳу савоблар чорраҳасида яшаётган аёлга нисбатан “муқаддас” сифати қўлланилганда, кучли қаршиликлар бўлмади, аксинча, қабул қилинди, яшаб қолди, яшаб келяпти. Ахир, аёл жонидан жон бунёд этади — инсон яратади.

Шу ўринда яна бир ҳолат эсимга тушди. Тўрт ёшли неварам кўчага кўнчроғини олиб чиқмоқчи бўлди. Бундан беш-ўн дақиқа аввал у “қирланган” кўнчроғини чўмилтирган эди. Неварам бирдан кўнчроғига қараб:

– Ойижон, уят бўлади, у қўйлагини кийсин, – деди-да, кўнчроққа либос кийдиришга тутинди.

Нима демоқчиман? Тўрт ёшли қизалоқ, ҳали биров ўргатмасдан, табиий равишда “уят” сўзининг маънисига етади. Эҳтимол, кўпроқ бизнинг миллатимизга хос бўлган бу бебаҳо тушунчалар билан бирга туғилиб, бирга ўсиб, уларнинг умрига амр қўшиб яшаётганлари учун ҳам Аёл, Она муқаддасдир. Ҳарна бўлса-да, Аёлга, Онага эҳтиром хонадонларимиз, оилапаримизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган энг бебаҳо қадриятларидан биридир. Миллатимизга хос энг гузал қадриятларга бугуннинг маънавий тарбияси учун асосий мезон сифатида қарайтган муҳтарам Президентимиз бу юксак лавозимга сайланган илк кунлариданоқ Аёлга эътибор масаласини кун тартибига қўйдилар. “Аёл бахтли бўлса, миллат бахтлидир” шiorини амалий ифодасини бугун ҳар жабҳада кўриб, қувониб, фахрланиб турибмиз.

Яқинда Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган 1-аёллар жазони ўташ муассасасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг сайёр суд мажлиси ҳам шу фикримизнинг яна бир исботи, десак янгилишмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раи-

си ўринбосари Холмўмин Ёдгоров раислигида бўлиб ўтган сайёр суд мажлисида узоқ йилларга озодликдан маҳрум этилган 6 нафар маҳкуманин иши назорат тартибидида кўриб чиқилди. Маҳкумалардан олти нафарининг ҳаммаси ўз қилмишидан чин дилдан пушаймонлиги, ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлиги, жинояти учун берилган жазонинг асосий қисmini ўтагани учун озоэ этилиб, оиласи бағрига қайтарилди. Кейинги икки йил мобайнида бу тарздаги инсонпарварлиқнинг олий намунасига бир неча бор гувоҳ бўлмоқдамизки, мамлакатимиз судлов тарихида илк бор қўлланилаётган бу амалиёт бизга чексиз миннатдорлик туйғуларини баҳш этиш баробарида “Собиқ маҳкумалар бу эъзоз, эҳтиром, ишончининг қадрига етолса эди, озоэлик аталмиш буюк неъматга эришган хотин-қизлар жамиятда ўрнини топиб кетса эди”, деган истакни ҳам уйғотади. Аёллик, оналик ўрнига қайтанлар билан суҳбатлашар эканмиз, кўнглимиздан шундай ҳиссиётлар ўтар эди.

– Тижорат билан шугулланардим. Худойим сийлаб уч нафар фарзанд берди. Эрим билан тинчгина яшаб келаётгандик. Лекин нафс балосига учиб, гиёҳванд моддалар олди-сотдисига аралашиб қолдим, – дейди улардан бири.

У афсус надомат билан ўз қилмиши ҳақида ҳикоя қилиб берди. Маълум бўлишича, у бундан олдин ҳам жиноятга қўл урган экан. Аёллиги, фарзандлари борлиги, муқаддам судланмаганлиги, пушаймонлиги ҳисобга олиниб, унга енгил жазо қўлланилган. Кейин... кейин



АЁЛ ШАЪНИ ВА ҚАДРИ

у яна хато қилган. Бу гал яна эгри йўлга катта қадамлар билан борди. Иккинчи ҳукм ўқилган паллада хатосини англаб дод солиб йиғлади. Бу ҳукм 2013 йилнинг 8 апрель санасида ўқилди. У Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми (60-моддаси қўлланилиб) 14 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 2026 йилгача маҳкумаликда яшashi керак эди. Бу катта муддат унинг қилмишига яраша берилганди, албатта.

Лекин бугун мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати туфайли унга етти йил аввал озоэликка чиқиш бахти насиб этди.

– Жазони ўташ муассасасида қилган хатоларингни ўйлаш, таҳлил қилиш учун кўп вақтинг бўлади. Нега шундай бўлди, деган саволнинг жавоби ўзинга қалпак бўлиб тушаверади. Ким мени бу гирдоб-мағола билса-да, барибир бош айбдор – ўзим, – дейди жазони

ўтаётган аёллардан яна бири. Унинг пушаймонлиги кўз ёшларига қўшилиб юзини ювади.

– Обрўли хонадонга келин бўлган эдим. Яқинларимнинг юзини ерга қаратдим, – давом этади у.

– Бундай азобнинг нима эканлигини фақат бошидан ўтказган банди билади. Қўлимга кишан солиниб, уйдан чиққанымда мана бугун мени олиб кетгани келган қизим беш ёшли гўдак эди. Бу йил у мактабни битиряпти. Аълочи бўлибди, Ёшлар йиллар қалбимда тўпланиб қолган, сарфланмаган меҳримни фарзандим, невараларимга бераман...

Унинг афсусларини тинглаб кўнглидан:

“Эҳ, она-я, онаизор-а, шундай тўхтамга келиш учун 12 йил қамоқда ётиш керакиди?” деган оғрикли савол ўтади кўнглидан.

Афсуски, аёллар орасида бугун ҳам жиноятга қўл ураётганлар, хусусан, гиёҳвандлик олди-сотдисига қўшилиб, қўлга тушиб, қамалиб келтирилган учрамоқда... Уларга:

– Тўхтан! Мана бу аёлнинг маҳ-

буслик жароҳат солган қалбларига боқинг, аччиқ афсусларини эшитинг, сабоқ олин! – дегимиз келяпти...

Гап аввалини аёл муқаддаслигидан бошлаган эдик. Бу муқаддаслик ҳар бир аёлнинг шухратли ҳаёти билан улғуворлигига касб этади. Ҳар аёлнинг хатоси, гуноҳидан дарзланади. Келинг, азиз опа-сингиллар, тўрт муҳамид саломат, тинч-осуда замонда, адолатли қонунлар муҳофазасида яшаётган эканмиз, Муқаддас тушунчасини эъзозлайлик, бу шарафга муносиб бўлайлик...

Мунаввара УСМОНОВА, “Саодат” журнали Бош муҳаррири, шоира.

Ўқитувчи ўз фаолияти учун зарур билим ва маълумотларни қардан олади, агар газета ва китоб ўқимаса?..

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Биз кейинги 30-40 йил давомида муаллимни илмдан узоқлаштирдик, моддий етишмовчиликларини ҳисобга олмадик, турли керакли-кераксиз дафтарларни тўлдиришга жалб этиб, қоғозбозлиқни авж олтирдик. Натижада улар чорасиз қолиб, қора қозонини қайнатиш, оилани тебратиш, бола-чақасининг каму кўстини тўлдириш илинжида ўз касбини ташлаб, бошқа ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлишди, таълим тизимида бўшлиқ пайдо бўлди.



Таълим, муаллим ва ислоҳот

Эркак ўқитувчилар камайиб кетгани қандай оқибатларга олиб келганини биламиз. Бунинг устига, худонинг берган ийли март-апрель ойдан бошлаб чигит киши, гўза яғанаси, қатқалоқ, ўтоқ, «чеканка», пилла, чорвага хашак йиғиш, қишлоғга тайёрлаш, кўча тозалаш, дарахтларни оқлаш, кўчат экиш, маҳаллани обод қилиш, пахта йиғим-терими ва ҳоказоларга ўқитувчиларни жалб этиш оддий ҳолга айланиб қолганди.

Хайриятки, кейинги икки-уч йил ичида бу соҳа вакиллари бундай номаъқул ишлардан озод этилди. Педагогик фаолиятга салбий таъсир этаётган тўсиқлар олиб ташланди, ойлик маошлар пайдар-пай оширилди, ортиқча қоғозбозлик, мажлисбозлик, югурдаклик, хашарбозлиги хўжа кўрсин учун қилинадиган ишларга барҳам берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 июнда қабул қилган «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ҳамда таълимга тегишли бошқа фармойишлари, таълим соҳаси вакиллари билан учрашуларда билдирган қимматли кўрсатмаларидан сўнг олий таълим тизимини тубдан қайта қуриш борасида кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш бўйича тарихий ишларга киришилди. Ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузи ва қадрини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Тўғриси, олий таълим тизимида бошланган ислохотларни тезлик билан амалга ошириш ва маълум ижобий натижаларга тезроқ эришиш унчалик ҳам осон иш эмас. Негаки, соҳада пайдо бўлган ва нафақат мамлакатимиз олий таълим тизими, умуман таълим тизими тараққиётига тўсиқ бўлаётган қатор муаммолар узоқ йиллар давомида чуқур илдиз отиб кетган. Бу муаммоларнинг шаклланиб, ривожланиб, такомиллашиб, «тубан» ҳолатига келганича ярим асрдан кўпроқ вақт ўтган.

Президентимиз таъкидлаганидай, таълим-тарбиянинг боши ва асоси оиладан бошланади, боғча ва мактабда давом этади. Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши, Президент мактаблари қурилиши ва шакллантирилиши, фанлар бўйича мамлакатимиз ва дунё миқёсида ўтказиладиган олимпиадаларга ҳамда жамиятимизни китобхонликка жалб этиш-

га доир қарорларнинг қабул қилиниши фийримизнинг ёрқин далилидир.

Аммо амалга оширилаётган бундай муҳим ишларнинг натижа беришини хотиржам қўтиб ўтириб бўлмайди. Дунёда юз бераётган иқтимоий, иқтисодий ва техник тараққиёт ҳамда отабоболаримизнинг асрий орузи бўлган мустақилликка эришган юртимизда янги-янги фикрлаш, янги-янги ҳаракат ва ижод қилиш, яшаш сари юз тутаятган халқимиз турмуш тарзидаги бугунги кескин талаб ва эҳтиёжлар ҳам бу борада сусткашликка йўл қўйиб бўлмаслигини, имкон қадар тезкорлиқни тақозо этади.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига қабул қилувчиларнинг аввалги йилларга нисбатан бир неча баробарга кўпайтирилиши, кириш имтиҳонлари бўйича тест саволлари ва синовларининг соддалаштирилиши, абитуриентларнинг тест топшириш жараёни шаффофлик, ҳолислик, ташқи аралашувларсиз, адолатли тарзда ўтказилишининг қарор топтирилиши ҳам халқимизнинг таълим соҳаси ривожига бўлган ишончини янада оширди.

Икки йилдан буён иқтидорли фарзандларимизга ўқишга кириш борасида кўплаб енгилликлар, имкониятлар яратилди. Бу йилгидек абитуриентлар мамлакатимизнинг исталган жойидан исталган уч олий таълим муассасасига ҳужжат топшириш, исталган вилоятда кириш имтиҳонларига қатнашиши илгари таъкидлаб бўлмаган. Бу — мамлакатимиз олий таълим тизимида бошланган ислохотларнинг дебочаси ҳали. Собиқ шўролар даврида юртимизда учта университет, ўттизга яқин институт фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб республикамиздаги олий таълим муассасаларининг сони 90 дан ортиди, яъни уч баробарга кўпайди, ривожланган чет мамлакатларнинг нуфузли университетлари ва институтлари филиаллари ҳам 20 дан ортиди.

Таълим соҳасида бошланган ислохотларни муаллимнинг иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди. Энг қўйи илим ўчоқлари — боғча, мактаб, лицей, коллежлардан тортиб, олий таълим муассасаларига билимли, тажрибали, юксак маданиятли, ўз соҳасининг фидойиси бўлган жонкуяр, меҳрибон, ғамхўр ва керак бўлса, ўз ўрнида қаттиққўл бўла оладиган, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари билан жиҳдий қуролланган муаллимлар зарур.

Аммо... аммо... муаммо... муаммо... камаймаяпти. Ҳўш, муаммолар нималардан иборат?

Биринчидан, таълим тизимини бошқаришдаги муаммолар — боғча, мактаб, лицей, коллеж, туман ва вилоят халқ таълими бўлимлари раҳ-

барлар тайинлашда ҳали ҳам аввалги, эскича услубда кадрлар танланаётганлигида кўринади.

Президентимиз талаб қилаётганидек, халққа хизмат қилиш тамойили асосида кадрлар, раҳбарлар танланса эди, қўли эгри, порахўр, мансабпараст, дунёқарши ва маданияти ундан-да паст, сўқонғич, уронғич, ўзидан бошқани менсимайдиган киимсалар бу муассасалар раҳбарлари ўринидигига тасодифан келиб қолмас эди.

Иккинчидан, боғча, мактаб, лицей, коллежларга тарбияланувчи таълим олувчиларни қабул қилишдаги кингирликлар — бунда шу муассасаларнинг нафиси ҳаққалақ отган раҳбарлари билан бир қаторда, фарзандларини таълим муассасасига олиб келаётган ота-оналарнинг ҳам айби кам эмас. Уларнинг ҳам кўпчилиги янги давр руҳини, талабини ҳали ҳам тўлалигича англаб, тушуниб етганича йўқ. Агар улар бу соҳадagi коррупцияга барҳам беришда фаол бўлганларида эди, бу борадаги ишлар анчагина самарали бўларди.

Учинчидан, таълим муассасаларига тарбиячи-педагогларни ишга олишдаги муаммолар — таълимда сон, миқдор, албатта, том маънодаги сифатга айланиши шарт. Йўқса барча қилинаётган тоат-ибодатлар, сайъ-ҳаракатлар бесамар кетади. Таълим, ундаги сифат ва самарадорлик ҳар томонлама ва тўлиқ равишда тарбиячига, муаллимга, унинг педагогик салоҳияти ва маҳорати, тажрибасига боғлиқ. Олиб бориладиган ҳар бир машғулотнолик, дарсинг техник воситалари, турли педагогик усуллар тарбиячи, муаллимнинг жонли ва таъсирли мулоқоти, маҳорати ва тажрибаси олдида иккинчи даражали воситалар ҳисобланади.

Тарбиячилар, муаллимлар турлича билим, дунёқараш, ғазилатлар ва ҳар хил феъл-атворга эга турфа хил инсонлардир. Улар олий таълим муассасаларида гуруҳ-гуруҳ, курс-курс ҳолида таълим-тарбия олаётган бўлсалар-да, ҳеч қачон конвейердан чиқадиган бир хил андозадаги товарлардек, катта-кичик пайкалларга экиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари каби тайёрланмайди ёки етиштирилмайди. Шунинг учун тарбиячи, муаллимларни ишга танлашда, ишга қабул қилишда уларнинг индивидуал жиҳатларига алоҳида эътибор талаб этилади.

Тўртинчидан, ойлик маошлари ошириб борилаётган, турли қоғозбозликлар, мажлисбозликлар, хашарлар таълимдан бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилинишлардан бутунлай озод этилган тарбиячи муаллимлар олдида биргина вазифа — у ҳам бўлса сифатли машғулот, дарс ўтиш, кўзлари чарақлаб турган

шоғирдларга мукаммал билим бериш вазифаси турибди.

Ҳўш, улар бунга тайёрми? Ойда-ийда битта бадий асар ўқимайдиган, ўз мутахассислиги бўйича бирор газета ёки журналга обуна бўлмайдиган, уларни мунтазам кузатиб бормайдиган, бинобарин, ўз соҳасига доир сўнги маълумотлар, янгиликлардан беҳабар, фақат дарслик билан чегараланиб қолаётган «устоз» ўз шоғирдларидан ортда қолиб кетмаяптими? Кўча-қуйда, қайсидир йиғинда оддий фуқаролар мамлакатимизда олиб борилаётган иқтимоий-сивсий ўзгаришлар тўғрисида баҳс-лашиб қолишса ёки суҳбатлашганда ўқитувчининг фикрига алоҳида эътибор беришди ва ўқитувчининг фикрини тўғри, деб ҳисоблашди. Агар шу вақтда кўтарилган масалага тўғри, ҳолисона фикр билдирса олмаса, унда ўқитувчига нисбатан салбий фикр уйғонади.

Ўқитувчи ўз фаолияти учун зарур билим ва маълумотларни қардан олади, агар газета ўқимаса? Ваҳоланки, ҳар бир ўқитувчи ўз билим ва малакасини қўлланмалар, ишланмалар ҳамда тармоқ нашрларида бериб борилаётган маълумотларга кўра ошириб бориши керак. Агар у тармоқ нашрларига ихтиёрий обуна бўлмаса унда қандай қилиб ўз фани бўйича билим ва малакасини ошира олади? Янги маълумотларга эҳтиёжи доимо баланд бўлган ўқитувчи ўз фанига, ўқитувчилик касбига тегишли нашрга ҳам ихтиёрий обуна бўлмаслигини оқлаб бўладими? Ахир педагог юртдаги ўзгаришлардан ва ўз фанидаги янгиликлардан хабарсиз бўлса, ёш авлодга қандай намуна бўлади?

Яна шунини таъкидлаш лозимки, ҳар бир жамиятда ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган шахс ишнинг сифатига қараб рағбатлантириб борилиши зарур. Бизда бунга доим кам жиддий эътибор берилмайди. Рағбатлантириш кўп ҳолларда ошқоралиқдан йироқ тарзда раҳбарларнинг хоҳиш-истакларига кўра амалга оширилади. Бунда айримлар уст-устига рағбатлантириб юборилса, айримлар бир умр ишлаб ҳам бирорта «Мақтов ёрлиғи»га лойиқ кўрилмай қолганди. Бу ҳол ўз навабига таълим-тарбия сифатига салбий таъсир этмай қолмайди.

Қолаверса, шоғирдлар билимини объектив — ҳаққоний, адолатли, ҳолисона, ҳеч қандай таъма ва шаъмаларсиз тўғри баҳолаш — бу тарбиячи ва муаллимлар олдида турган энг муҳим ва энг долзарб муаммолар сирасига кириди. Чунки тарбияланувчи, таълим олувчининг ҳар бир ҳаракати, интилиши, берган жавоби очик, тўғри ва ҳолисона баҳоланмас экан, унда

устоздан норозилик қайфияти пайдо бўлади. Бундай қайфият эса уни илм олишга рағбатлантирмайди, аксинча интилишдан, фаолликдан қайтаради. Алал-оқибат уларда олға интилиш, ташаббускорлик, кўп нарсани билиб олишга бўлган иштиёқ пасая боради ва жамиятда қоқайди, атрофдагиларга эътиборсиз, ўзидан бошқани ўйламайдиган, худбин инсонларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Биз бугунги кунда ана шу муаммонинг — талабалар билими устозлар томонидан узоқ вақт ҳаққоний баҳоланмаганлиги нақадар огир оқибатларга олиб келгани ва уни тузатиш жуда катта қийинчилик билан бораётганига ғувоҳ бўлиб турибмиз.

Жамият тараққиётига муносиб хизмат қила олмайдиган муаллим, беморни даволай олмайдиган шифокор, қонун устуворлигини таъминламайдиган суд-ҳуқуқ пешвоси, қурган биноси талабга жавоб беришмайдиган муҳандис, нуноқ иқтисодчи ва турли-турли соҳаларда муҳим ўтириб олган яроқсиз мутахассислар, айрим кўрс, қўлоп, нуноқ раҳбарлар омондан тушиб келгани йўқ. Уларнинг билимига, иқтидорига боғчада, мактабда, коллежда, институтда, университетда ўзимиз ошириб, таъмағирлик билан ноҳолис, нотўғри баҳо қўйиб келганимиз ва энди бу қилишларимизнинг аччиқ мевасини, жабрини тортмоқдамиз.

Биз, мамлакатимиз ҳаётида бошланган ислохотларнинг натижадорлигини таъминлаш ҳаммамизнинг бугунги саяёҳатимизга боғлиқлигини унутмайлик. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, бугунги иқтимоий, иқтисодий ва техник тараққиёт туфайли ҳаёт эҳтиёжига айланаётган янги-янги фикрлаш, янги-янги ҳаракат ва ижод қилиш, барча соҳаларда, айниқса, таълим соҳасида ислохотларни кенг амалга оширишда бир дақиқа кам сусткашликка йўл қўймаслигимиз керак.

Қуни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мустақиллигимизнинг 28 йиллигига бағишланган нутқини катта диққат-эътибор билан тингладик. Нутқда билимсиз, илмсиз, ўз устимизда изчил ишламай туриб мақсадимизга эришиш мумкин эмаслиги қайта-қайта таъкидланди. Бу талаблар, айниқса, ўқитувчилар учун ўта муҳимдир. Ўз билим ва савиямизни оширмай ёш авлодга етарли билим берайлашми.

Мардон БОЛТАЕВ,
СамДУ доценти,
Дилмурод ДЎСТУРМОНОВ,
СамДУ матбуот хизмати котиби.

БИЛАСИЗМИ?


100 ЁШГА ТЎЛГАН
ФУҚАРОЛАРГА
ҳар ойда қўшимча тўлов тўлаш
белгиланган



Қонунчиликка кўра, ёши 100 га тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига 2015 йилнинг 1 майдан бошлаб, ҳар ойда қўшимча тўлов тўлаш белгиланган бўлиб, ҳозирда мазкур тўлов миқдори 223 минг сўмни ташкил этади.

Бунда:
— 100 ёшга тўладиган фуқароларнинг пенсиясига қўшимча тўлов шахс 100 ёшга тўлган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ҳар ойда ариза тақдим этмасдан қўшиб тўланади;
— қўшимча тўловни тўлаш пенсияга устама ҳақларнинг сони ва миқдорларидан қатъи назар амалга оширилади.

МАҲКУМЛАРГА
сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи
берилади




Сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган Қонун (УРҚ-563, 04.09.2019 й.) Президент томонидан имзоланди.

Қонун билан Конституция ва бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Конституцияга киритилган ўзгартиришга мувофиқ иқтимоий ҳаффи катта бўлмаган ва унча огир бўлмаган жинояти учун озоқликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумларга сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиришга кўра, эндиликда ички ишлар органи ходимлари Қонунчилик палатасига ёки маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайлана олмайдми.

ҚЎЙДАГИ ҲОЛЛАРДА
Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги
йўқотилиши мумкин



— шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, ҳавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

— агар чет элда доимий яшовчи шахс уч йил ичида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

— агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлгонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этиш натижасида олинган бўлса;

— агар шахс чет давлат фойдасини кўзалаб фаолият юритиш ёки хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш орқали жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса;

— агар шахс чет давлатнинг фуқаролигини олган бўлса.

Чет давлатнинг фуқаролигини қабул қилган шахс бу ҳақда 30 кун ичида Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органларига ёки чет элдаги консуллик муассасаларига хабар бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиққан кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилади.


МАСТ ҲОЛДА
транспорт воситасини бошқариш
жавобгарликка олиб келади



Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алқогонлиги ичимликдан, гийҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариш транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йил 6 ойдан 3 йилгача муддатга маҳрум қилиниб, 5 575 000 сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Агар бундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилса 8 920 000 сўм миқдорида жарима солишга ёки 15 сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги
«Huquqiy Axborot» канали.



МЕЗБОН НЕГА УЯЛДИ?

Ёки болалар сўқинишни кимлардан ўрганишяпти?

МАЪНАВИЯТ – ҚУДРАТЛИ КУЧ

Бу мавзуни кўтармоқчи эмасдим. Сабаби, қадрдон дўстимни хижолатга қўйишдан истиҳола қилаётган эдим. Аммо кунлар ўтсада бўлиб ўтган ғўёча дилимдан кўчади. Аксинча бот-бот эсимга тушиб, қаттиқ ўйга толдира бошлади. Жой номини ҳам, дўстимнинг исми шарифини ҳам ўзгартириб бўлса-да, воқеа тафсилотини сиз газетхонлар билан фикрлашишга аҳд қилдим. Келинг, биргаликда ўйлайлик, ҳулоса чиқарайлик, зора айтганларимиз айрим ота-оналар ва ёшларимизга сабоқ бўлса...

Ўтган дам олиш кунларининг бирида пойтахтимизнинг Юнусобод туманида истиқомат қиладиган дўстимнинг уйига оиламиз билан меҳмон бўлиб бордик. Анчадан бери кўришмаган эдик. Дийдор ширинлик қилиб, роса суҳбатлашдик, ўтган-кетган воқеаларни эсладик. Аввалларимизнинг юзиде меҳрмуҳаббатли табассум, фарзандларимиз бир-бирларига шеърлар ўқиб, яйрашмоқда. Тотли, файзли дәмлар. Ниҳоят, танаси тасом — ош ҳам тайёр бўлди. Дўстимнинг уйи олтинчи қаватда, меҳмонхонаси «дом»нинг ҳовли томонига қараган эди. Кун исиклиги сабабли уй бекаси деразаларни ланг очиб қўйди. Шу пайт, спорт майдончасида тўп сураётган ёшларнинг қичқириви, ҳақоратли сўзлар, куракда турмайдиган сўқинишлар эшитила бошлади. Болалар ва аёллар олдида нуқолай аҳволга тушдик. Уй бекаси Адолатхон қўзариб ўрнидан турди, секин бориб деразани ёлди. Дўстим ҳам хижолат

тортди. Очиги, дилимиз хира бўлди. Хаёлга ҳар хил фикрлар келди. Бақир-чақир қилиб, бир-бирини аямая сўқинаётган бу болалар қўли билан 16-18 ёшларда эди. Улар бу уятли сўзларни қаерда, кимдан ўрганишган? Уларнинг ота-оналари борми, болалари шу нақалигини билишармикан?

Фақат спорт майдончаларида эмас, балки кўча-қуйда ҳам болахонодор қилиб сўқинаётган ёшларни тез-тез учратамиз. Автотранспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар орасида пийдаларни бўралатиб сўқадиганлари ҳам оз эмас. Бундай маданиятсиз ҳолатлар сабаби нимада?

Тўғриси, кимдир оиладан, кимдир маҳалла, кўча-қуйдан ўрганипти бундай ярамас одатларни. Кўп кўрганмиз болалари олдида хотинига ўшқириб, сўқинган эркакларни ёки эрига куракда турмайдиган сўзларни айтган аёлларни. Баъзи бир одамларнинг

Ўқтам ҲАЙРУЛЛАЕВ

Очиқ, аммо аччиқ гаплар

ШАХРИСАБЗ ТУМАНИДАГИ

«НОРУДА ИНВЕСТ»

корхонасида иш нега тез-тез тўхтатилмоқда?

Тахриратта келган мактуб ташвишли эди. «Норуда инвест» масъулиятли чекланган жамиятга қарашли юк машинасини мажбурий ижро бюроси ходимлари олиб кетишибди. Кичик корхона хорижий инвестиция асосида бунёд этилган, кредитнинг охириги тўлов муддати келаси йил охирида экан. Яна корхона вакиллари юртимизда икки йилдан ошқиб бошланган ишловларга тўла ишонилари, ўзлари қурган корхонани бошқаларга бериб қўймаслик учун қураётганлари ҳақида ёзишди. Мен Шахрисабз туманига отландим.

Машинам Ҳисор тизма тоғлари бағрида адирларда жойлашган қишлоқлардан ўтиб, Танхоз дарёси қирғоғига етиб келганда баҳорги сеп сувлари изини кўрдим. Катта кўприkning таъин тўсинлари қўлаган, янги иншоот қурилатган экан. Бу дарёда кўпинча суг бўлмайдди, Танхоз — Қашқадарёнинг энг кам сув ирмоғи. Кейин унга бурилиб, қирғоқ бўйлаб суриб очилган ва шағал тўйилган йўлдан кета бошладим.

Қақраган дарёда тошлар қорайиб кўринади. Анча юртга, бир ўзгача манзара қаршиси-га келиб қолдим ва машинадан тушдим. Соҳилдаги катта майдон текиланган, сал наридаги бадалдиқда хориждан келтирилгани билгиллиб турган улкан юк контейнерлари, чап томонда уюм-уюм қум ва шағал, юк олишга келган машиналар кўринади. Ҳали бўёқлари ўчмаган экскаваторнинг қоши қумга тиралган, тегирилган ва қум саралаш ускуналари таққа-тақ тўхтаган.

Корхона ходими, олий маълумотли иқтисодчи Фаррух Каримов келиб бўрашди ва «Хаво» юк машинасини қарз эвазига олиб кетишгани, қондан тош-қум ташлашга имкон йўқлиги ҳақида куйиниб гапирар экан, ишчилар билан таништирдим. Касби туманидан келган Достон Нурматовнинг отаси экскаваторчи, ўзи машина ҳайдар экан. Хомуш ўтирибди.

— Мен Жўзаҳ виллоятининг Бахмал туманидан келганман, — дейди ўрта ёшли Одил Раҳмонов. — Устаман, ускуналар ишлашга масъул эдим. Билсам, бу корхонанинг иши кўп бора тўхтаган, натижада ишчилари кетиб қолшган экан. Бўёғи тиркичилиб, билмасам, мен ҳам, бошқа иш излайман, деб турибман...

Шу топда шикоят хатида келтирилган воқеаларни эсладим. Очиги, ўзим ҳам журналистлик фаолиятим даврида илгариги Ғани Бобоевон номли ҳўжалиқнинг Тўдамайдон, Телар ва бошқа қишлоқларига бир-неча марта келганман. Воҳода энг кўп ўзгаришлар, тадбиркорлар шу жойда эди. Ғани ва Ҳамид Бобоевларнинг фарзандлари, шогирдлари кўп хайри ишларга қўл уришди — йирик консерва, гишт заводлари ишлаб бoшладилар. Саксонининг йилларнинг ўрталарида раис бўлган Абдунаби Ҳасанов қўш қавапти чойхона, «Оқ олтин» қишлоғида пишиқ гиштдан 65 та арзон уй қурдиранди. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти бу қишлоқларга кўп келар, Абдунабини шогирди сифатида ҳўрмаёт қилар, янги уйлариинг калитини эгаларига ўз қўли билан топширган эди. Мустақиллик йилларида шу жойда ёғ тайёрландиган «Шахринтернейшнл» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси иш бошладди. Афсуски, уларнинг бири солиқларни узоқламади, иккинчиси ҳомашё тополмади, натижада барчаси тугатилиб, ускуналари сотиб юборилди, юздан ортқ иш ўринлари йўқотилади.

Телар қишлоғидаги йирик қиришларда бўльдзоччи бўлган Карим ака ва бригада бошлиғи, раис ўринбосари бўлган Иброҳим ая оиласида олти ўғил ва беш қиз ўлғайиб, турли касбларни эгаллайди. Иқтисоди олий маълумотли иқтисодчи банкир бўлишди. Оиланинг тўнғичи Абдуғаффор эди. У 30 йилдан ошқиб банк тизимида меҳнат қилади, виллоят Марказий банки раиси ўринбосари бўлади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Шахрисабз шаҳар филиали биносини қуриб, унга 21 йил бошчилиқ қилади. Ҳалол ишлаб, ном қозониб, пенсияга чиқади.

— Ишлаб юрганимда, 2013-2016 йилларда Қашқадарё виллояти саноати салоҳиятини ошириш дастури тўғрисида қарор чиқиб қолди, — эслайди Абдуғаффор Каримов. — Шулардан иккита хорижий кредит йўлҳаси бизнинг банк орқали амалга ошиши белгиланган эди.

Битта тадбиркорни Яқкаб туманидан топдик. Кейин оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашдик. Иккита қизим олий маълумотли банк ходими эди, яна олий малакали иқтисодчи иккита ўғлим тадбиркорлигини ихтиёр қилишди. Натижада Россия давлатига ишга бориб, анча сармоа билан қайтган опа-ука Аҳрор, Луқмон, Сарвар, Жаҳон, Миржапон Азимовлар ва меннинг турмуш ўртоғим Муборак Жумановалар 57 минг АҚШ долларини топшириб, таъсисчи бўлишди ва «Норуда инвест» МЧҚ тузилди. Хитой Давлат тараққиёт банки томонидан 323 минг 405 АҚШ долларига тенг кредит ажратилди. Банк ушбу маблағга ўз давлатида ишлаб чиқарилган юкори сифатли қум-шағал тайёрлаш ускуналари, экскаватор ва «Хаво» юк машинаси сотиб олиб, юртимизга жўнатди. Ўзмиллийбанк Республика бошқаруви чет эл сармоясини қайтарилиш кафолатини зиммасига олди.



Абдуғаффор ҳикоя қилар экан, мен корхона ускуналари, уни ўрнатиди, тартиблари, билан танишаман. Маблағ етишмасди. Натижада йилига 18 фоиз устама тўлаш шарти билан банкдан 182 миллион сўм қарз кўтаришди ва цехни ўрнатилди, бир километр масофага симёғоч тиклаб, сым тортиб келишди. Алоҳида трансформатор олишди. Артезиан қудуги қавланади, 1,5 километр йўл қуришди.

Кейинги жараён ҳам бошланади. Олдинги Республика Табиати муҳофиза қилиш Давлат қўмитасига қарашли экология экспертиларининг хулосаси билан Танхоз дарёсидан тош-шағал олишга рўхсат берилади. Шахрисабз туман ҳокимининг қарори билан 8 гектар майдон ажратилади. 2014 йил 23 декабрда олинган рўхсатномага кўра, дарёдан 2 йилга 6 ой мобайнида 104 минг кубометр тош-қум олишга ҳақлари бор эди. Қувончлари узоққа чўзилмайдди. Корхона фаолияти тўхтатилди. Текширилганда, аттиги 14 минг кубометрдан сал ошқиб ҳомашё олинди, қайта ишланган, шунинг 3 минг кубометри дарё қирғоғини мустаҳкамлашга ишлатилгани аниқланган.

Аммо шу қисқа вақт орасида кичик корхона ўз сифатли маҳсулоти билан анча харидорлар орттиради, 10-15 киши ишли бўлади. Шахрисабз шаҳрини ободонлаштириш бошланганда, ўз техникалари билан қатнашиб, 300 миллион сўмликдан ошқиб чиниди ташлиб, тупроқ ишларини бепул бажаришди, фақат дизель ёқилгиси билан таъминланган. Бошқа яхши режалар тузишдан, дамлари ичларига тушиб кетди — ишлашга имкон беришмайдди...

Менга шикоятлар, жуда кўп қорғозлар, ҳўжжатларни тўтқазилди. Қорғозлар «ғарми»дан солиқ, прокуратура, ички ишлар, банклар, ҳўжимликларга йўлланган аризалар, шикоятлар, уларга келган жавоблар бир-бир чиқиб келаверарди. Кимга мурожаат қилишмасин, ҳеч ким уларни тингламаган, ҳақ гапларига қўлоқ солмаган. Мен қорғозлар, ҳўжжатларни бир ҳафта давомида ўрганиб, қўлаб ташкилотлар вакиллари билан учрашиб, мунозараларга сабаб бўлган ҳўжатлар ва ҳақли эътирозларни таллаб олдим.

Биринчи мунозарали ҳўлат ва натижа. «Сангеконтхназорат» инспектори «янги қарор чиқаяпти лицензия олишларинг керак», дейди. Шахрисабз туман солиқ ва валютаси оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларини легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимлари корхона ишини тўхтатади. Демак, Президентимизнинг 2017 йил 25 сентябрдаги Сув объектиларини муҳофиза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори чиқишидан роса 5 ой олдин корхона тўхтади. Ваҳоланки, корхона ишлаши учун Давлат экспертилар хулосаси ва рўхсатини олган, ўша беш ой илгари анча маҳсулот ишлаб чиқарган бўларди. Аммо чиқарилган қарор табиий боилиқларимизни асраш борасида катта аҳамиятга молик эди. Бирок ҳўкуматимиз одил ва ҳамма шароитини ҳисобга олади. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 декабрдаги дарёлар ўзланларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тартиблари тўғрисидаги қарори асосидаги Низомнинг 32-бандида анча имкониятлар белгиланади. Бундан ташқари, қурилатган йўл ва бошқа иншоотларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш мақсадида қум ва ша-

ғал тайёрлаётган яхши корхоналар рўйхати тузилади ва уларнинг ишлари, учун рўхсат берилади. Минг афсуски, «Норуда инвест» МЧҚ қанчалик сифатли маҳсулот чиқармасин, йўл қурувчиларидан тўхтовсиз харидор чиқмасин, бу рўйхатга кирмай қолади. Бунга виллоят ва туман ҳўкимлигидаги айрим мутасадди ташкилотлар жум қўйдирмагани сабаб бўлади. Чорасиз қолган МЧҚ раҳбари Хитой Давлат тараққиёт банки кредити асосида ишга тушган Яқкаб туманидаги «Нурли келажак» МЧҚ корхонасининг 129 километрик Қарши — Шахрисабз йўлини қураётган ташкилотга ижарага беради ва шу йўсинда барча тўловлардан қўтулади.

Иккинчи мунозарали ҳўлат ва натижа. Солиқ ташкилотлари томонидан Хитой давлатидан ҳали Ўзбекистонга етиб келмаган ускуналар учун 42 миллион сўм мулк солиғи ва 12 миллион сўм фозизи (пеня) қўйилган ҳисобланиб, тўлатиб олинади. Корхона 2016 йил 16 мартда ускуналарни қабул қилиб олганидан кейин ҳисобот берган эди. Қўнларимизда банк ва солиқ идораларига ҳисобот берилган кундан тўловлар бошлангани белгиланб қўйилган. Бу борадаги шикоятларни ҳеч ким тингламади.

Учинчи мунозарали ҳўлат ва натижа. Корхона тўхтаган, электр энергияси тармоғидан узиб қўйилган эди. Аммо мажбурий ижро бюроси Шахрисабз бўлими (олдинги бошқик ишдан кетган) ходимлари келиб, электр энергиясидан ноконуний фойдаланилган, деган далолатнома тузиб, 22 миллион сўм жарима тўлашга мажбур қилишди. Адвокат Амр Янгйбеовнинг асосли фикрлари инобатга олинмади. Ваҳоланки, корхона ишламаётган эди.

Тўртинчи мунозарали ҳўлат ва натижа. Иш тўхтаган, корхона вакиллари «солиқ тўлашдан таътил» бериш ҳақидаги илтимос билан кўп бора чиқишди. Шу ўринда Қашқадарё виллоят солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари С.Эшматовнинг 2018 йил 16 февралдаги қарорига юрбан алоқа хатини келтириш қифоя. Унда хорижий инвестицияларга тўшунча берилган. Хўш, Хитой тараққиёт банкининг тўғридан-тўғри инвестициясини улар сирасига кирмайдими? Менимча, ҳўқуқшуносларимиз бу мунозарали ҳўлатга аниқлик киритсалар мақбул бўларди.

Бешинчи мунозарали ҳўлат ва натижа. Иқтисодий ишловлар, хорижий валюталарнинг ҳаракати эркинлаштирилганлиги тўғрисидаги қарор билан пайтадаги долларнинг сўмга нисбати 2100 сўмдан 8146 сўмга (ҳўзир сал кўтарилиш) ошди. Аммо ишловлар бошида турган ҳўкуматимиз қарор янги имконият ва имтиёзларни яратиб бермоқда. Натижада Республика Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 19 сентябрдаги қўратмаси ва 7 октябрдаги 27/3-сонли қарори билан «валюта сисётини либераллаштириш таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳўлатларни юмшатиш мақсадида хорижий валюта олган барча мижозларнинг оралиқ ва тўлов муддатларини ўзайтириш» ҳақида ҳамма тижорат банкларига топшириб берилади. МЧҚ маъмурия-ти 3 йиллик ўзайтириш муддатини сўрайди. Афсуслар бўлсинки, бу имтиёз ҳам берилмади. Бунга «Ўзмиллийбанк» Шахрисабз филиали бошқарувчиси Яшин Жалолов айбдор, деб айтилмоқда. Мен сўхбатлашганда, Яшин Жалолов «ўзлари мурожаат қилишмади», деб ўзини оқлашга уринди.

Бирок қўлимизда банк раҳбариятига тўлов муддатини чўзишни сўраб йўлланган хатларнинг нусхалари бор эди.

Олтинчи мунозарали ҳўлат ва натижа. Иш тўхтатилган, корхона ҳўжжатларини прокуратура ҳўзирдаги департамент ва солиқ идоралари ходимлари 2 ой ўрганишди, бирок бирорта ҳам ноконуний ҳаракат аниқланмади. Энди иш Қашқадарё виллояти ички ишлар бошқармасига ўтказилди. Тўсатдан, 2017 йилнинг 9 ноябрь кўни (ўшанда корхона ишламасди, унга нисбатан жиноий иш очилган) Зоҳир Каримов ота-ониси билан яшаб турган уйда тинтув ўтказилди. Ҳеч нарса топилмади. Виллоят ички ишлар бошқармасининг тажрибали ходими ва суруштирувчилари бу ишлар ғаразли эканлигини аниқлашди ва айблов эълон қилинмади, иш тўхтади. Ушотирувчилар ер чиқиб қолишди...

Шу ҳақда сўраганимда, Абдуғаффор: «Менинг банкда ўзоқ ишлаганим ва тош қонини очганим сабаб бўлган тинтувга», дейди алам билан.

— Уйимизни тинтув қилишган, ота-онам бутун қишлоқ олдида бошларини эгиб қилишди, — дейди ҳўзир корхонанинг иш бошқарув-чилигига сайланган, газетамизга шикоят ёзган Зоҳир Каримов. — Отам ўзоқ уйлаб, ака-укалари, жиянлари, онамнинг қариндошларини уйга тўлаб, фикрини айтди. «Таъсисчи бўлиш учун анча валюта тўланди, катта кредит олганмиз. Тўловларга қулиб қолишимиз мумкин. Айниқса, одамлар олдида хонадонимизнинг обрўйи тўғилди. Энди ор-номус учун қурашамиз», деди юраги ёниб. Унинг қарори барчага маъқул бўлди. Уругимиз катта, маблаглар тез тўплана бошлади. Онам ва рафиқамнинг қимматли тақинчоқларини ҳам йиғиб, пулга айлантирдик. Шу тарада бирин-кетин солиқ ҳамда жарималарни ўза бошладик. Аммо ишимизга энг қарши бўлган «Ўзмиллийбанк»нинг Шахрисабз филиали бошқарувчиси Яшин Жалолов бўлди. Чеккан азобларимиз, корхона тўхтаб қолганига шахсан у айбдор.

Банкимизни ўзоқ йил бошқарган Абдуғаффор ака барчамизнинг ўстозимиз, — дейди мулоиймлик билан Яшин Жалолов. — У киши ва фарзандларига фақат яхшилик истайман. Аммо банк қарзларини ундириш вазифамиз.

— Сиз ҳақсиз, — дейман унга. — Бирок нега қарзининг барчасини бирдан ундиришни суддан сўрадингиз, шартномага кўра, муддати ўтганини қўрсатсангиз бўларди-ку?

Жўяли жавоб ололмадим, аммо иш бошқарувчи Зоҳир Каримов: «Бир неча бор Самарқанд виллоятдан аллақимлар келиб, корхонамизни қўриб кетишди, банкротга учрасак, сотиб олишни мўлжаллашган экан», дейди қатъий қилиб. Буни корхонанинг бошқа мутасаддилари ҳам тасдиқлашди.

Ростига қўйсак, кичик корхонанинг хориждан келтирилган ускуналари соз, сифатли ва энг замонавий. Бугун бундай яхлит заводни олдинги нархидан 4-5 баробар юкори борада сотиб олиш ҳамманинг қўлидан келавермайдди. Булар — ҳеч ким инкор қилолмайдиган ҳақиқат.

Хуллас, 2018 йилнинг 30 мартда банк судга мурожаат қилиб, кредитнинг қолган барча қисми — 215 минг доллардан сал кўпроқ маблағни тўла ундириш пайига тушади. Ахвол жуда огир эди. Кичик корхонада ишлаб чиқариш тўхтатилган, мижозларга жўнатилган 500-600 миллион сўмлик маҳсулотнинг пули келиб тушмаган, яна 700 миллион сўмликдан ортқ тайёр тозаланган қум ва майдаланган шағал сотилмай турганди. Нима қилиш керак? Корхона жонқуярлари тиним билмай маблаг тўллаб, банкка топшира бошлашди. Суддан фақат муддати ўтган қарзни ўндириш масаласини қўришни сўраб, асосли далилларни тақдим этишди.

Чироқчи туман иқтисодий суди 2019 йил май ойида тўлиқ эмас, балки муддати ўтган 70 минг доллардан зиёдроқ маблағни ундириш юзасидан қарор чиқарди. Корхона вакиллари томонидан тўлов давом эттирилди, олиқаноиб инсонлар қарз бериб туришди. Натижада ҳўжжатлар билан танишган Чироқчи туман иқтисодий суди август ойининг ўртасида чиқарган акримизда энди корхонага 29 минг 938 доллар миқдордаги муддати ўтган қарзни қоплаш мажбуриятини юкледи. Корхона вакиллари эса нақд пул тўлаб, бу қарзни ўзгандик, дейишди.

Очиги, бу — энг мунозарали масалалардан бири. Мажбурий ижро бюроси Шахрисабз туман бўлими масалани очик қилиш мақсадида мутахассисларни жалб этиш юзасидан қарор чиқаради. Натижада кичик корхонанинг банкка қанча пул топширган, қанча муддати ўтган қарзи қолгани, судда қанчаси қўрсатилганини аниқлаш учун тафтиш ўтказилди. Ажабланишга жойи шундаки, 2019 йил 25 июлда тузилган далолатноманинг 2 та нуқсаси бор. Ҳақиқат шундаки, тафтишчилар 2 марта текшириб, битта санани қўрсатишган. Нима учун?

Биринчи далолатномада фоизи билан бирга 31 минг 804 доллардан ошқиб кредит қарзи «сўндирилган», дейилади. Демак, суднинг ажримини билан юклатилган мажбурият бажарилган, энди муддати ўтган қарзини ундиришни асосий воситаларга қаратишга ҳўжат йўқ эди. Аммо бу ишни ушотиригнлар ушбу натижадан қониқшишди.

Оқибатда иккинчи далолатнома тузилади. Унда корхонанинг 70 минг 252 доллардан ошқиб муддати ўтган қарзи бор, деб қўрсатилади. Далолатномаларга виллоят марказий банки ходими Д.Тўраев ва «Ўзмиллийбанк» виллоят бўлими ходими И.Эшмуродовлар имзо чекишган. Тагин «Филиал томонидан тақдим этилган ҳўжжатлар асосида тузилди», дея қайд этилган.

— Бу ҳўжжатларга маълумот тақдим этган Яшин Жалолов бизнинг 182 миллион сўм маблағимизни яширган, — дейди корхона иш бошқарувчиси Зоҳир Каримов. — Мана, нақд пул тўлов чипталарида барчаси акс этган. Биз қанча азоб чекиб, 2019 йилнинг 26 июнида Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитасининг хулосасига кўра, лицензия олиб, тўхтатиб қўйилган корхонамизни яна ишлата бошлагандик. Эътибор беринг, шу йилнинг 23 августида мажбурий ижро бюроси туман бўлими ходимлари «Хаво» русумли юк машинамизни олиб кетишди ва ана ишлаб чиқариш тўхтаб қолди. Ахир, бу машина-сиз 400-500 метр ўзоқликдаги қондан ҳомашёни ташиб келолмасдик-да ...

Мен Яшин Жалолов билан анча сўхбатлашдим, билимли, яхши мутахассис, уч йилдан бўён бошқарувчи. Банк филиали 2018 йилдан то 2019 йилнинг 1 сентябрга қадар бизнесни ривожлантириш мақсадида 117 миллиард сўм миллий пулмизда, яна 43 миллиард сўм хорижий валютасида кредит берган. Яхши лойиҳалар бор. Бундан хурсанд бўлдим. Аммо нега банк «Норуда инвест» МЧҚдан қолган барча қарзларни бирданги ундиришга уринганини тўшунолмайман. Атайлаб қияяпти дейишга ҳам тилим бормайди. Ахир, бунақада кичик корхона банкротга учрайди-ку? Ҳақиқат эғилда, лекин синмайди. Энди кичик корхона муддати ўтган қарзларини тўлиқ ўзгани, ўзига тегишли юк машинасини сотишга йўл қўймагани ҳам ҳақиқат...

Мен яна Танхоз дарёси соҳилидаги корхона томон йўлга тушаман. Машинани секин ҳайдаб, йўл-йўлакай янгидан қурилатган кўракм уйлар, дўконлар, майнинг хизмат иншоотларини завқланиб томоша қиламан. Кейин икки ярим йилдан ортқроқ вақт оралиғида юртимизда ўзгача жўзиба ва шикоят билан келаятган ишловлар ҳақида ўйлайман. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, сармоялар, аввало, хорижий сармояларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш қўламини кенгайтиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилганини фикримдан ўтказиб қолайман.

Қўнчлиси шукки, тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг 75 фоизи ҳудудий лойиҳаларга тўғри келаятган экан. Йиғилишда яна истиқболли вазифалар ҳамда йўл қўйлаётган камчиликлар айтилганлиги.

Очиги, Шахрисабз тумани кейинги ўн йилда етакчига ёлтирмади. Ташаббус қўратишга қўдрин бўлмаган кишилар амал курсига ўтиришди. Мисол учун, «Норуда инвест» МЧҚ вакиллари собиқ ҳўкимга неча бор мурожаат қилиб, бирор гап жавоб олишолмади. Давр ўзгарди. Ҳўзир янги ҳўким иш бошида ва унинг ҳаракатлари одамларга умид бағишламоқда...

— Яхшиларнинг шарофати кўп — дейди тадбиркорларнинг отаси — таъсисчи Абдуғаффор дарё соҳилидаги корхонага етиб келганимда. — Бахтни қарангли, яқинда виллоят прокурорининг ўринбосари Шерали Ашуров қўлини Тўдамайдон қишлоғида аҳолининг аразини тинглади. Биз ҳам унга банк тўлаган маблагларимизни яшириб, юк машинамизни олиб кетишларига сабаб бўлгани, натижада ишловмай ўтирганимизни айтмоқчи эдик. Бирок мажбурий ижро бюросининг ходимлари: «Қўйинг, бу масалани ўзимиз ҳал қиламиз», дейишди. Банк ижроти вақтинча тўхтатиш юзасидан хат берган, 5 сентябрда машинамизни қайтариб олиб, яна корхонани ишга тушириб юбордик.

— Даровке, «аниқ маълумот бопламаймиз», дегандингиз. Мана, менга банк бошқарувчиси Яшин Жалолов тақдим этган маълумотномада кўра корхонамизнинг яна 129 минг доллардан сал ошқироқ қарзи қолибди. Яна бир гап — мен банкнинг ижроти вақтинча тўхтатиш ҳақидаги алоқа хатини ҳам кўрдим. Унда муддати ўтган қарзларингиз 70 минг 189 доллардан ошқиб эканлиги қўрсатилган.

— Яна 182 миллион нақд тўланган маблағни ҳисобга олишмабди, — дейди афсусланиб Абдуғаффор. — Яхшиликки қаранг, маҳсулотимизни олган йўл қурилиш ташкилотлари 230 миллион маблағни тўлаб беришди. Уни ҳам кредитнинг навбати этган қисмини узишга йўналтирдик. Энди муддати ўтган қарзимиз қолмади. Келгуси тўлов — ноябрь ойида. Маҳсулотимизга харидорлар кўп. Жами қарзини шартномада қўрсатилган 2020 йилнинг декабрь ойидан илгари узиш имкониятларини излаяпмиз. Солиқдан ва бошқа ташкилотлардан ҳам қарзимиз йўқ.

Абдуғаффор фикрини тўлиқ айтмай, негирд тўхтаб қолди. Дарё ўзани, маҳсулотлар уюми, шовин солиб ишлаётган ускуналарга бир-бир разм солиб чиқди. Ҳаёлимда бир фикр ярқ эди: Абдуғаффор ҳали ҳам эркин ишлаб кетишларига ишонмасми.

Бу уй мени ҳам ташвишга солди...

Юнус УЗОКОВ
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ:

Эмизиш
саратон
касаллигининг
олдини олади



Бола соғлом ўсишига кўп омиллар таъсир қилади. Бунинг биринчи шарты эса илк даврданоқ уни тўғри овқатлантиришдир. Гўдақларни озиқлантириш усулларидан энг яхшиси ва хавфсиз эса — бу шўхасиз, кўрак сути ҳисобланади.

Она сути чақалоқлар учун энг яхши озуқа, у дастлабки олти ойда бола организмни барча керакли озуқа моддалари билан тўлиқ таъминлаб беради. Ҳар бир онанинг сути айнан ўз фарзандининг эътиёжларига мос келади ва баркамол ривожланиши учун зарур бўлган моддалардан таркиб топади.

— Болани кўрак билан эмизиш она соғлиғи учун ҳам фойдали: камқонлиқнинг олди олинади, кўрак бези, ҳатто баъадонбўйи саратони касалликларининг пайдо бўлиш хавфини кескин қамайтириши илмий жиҳатдан тўла асосланган, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош неонатолог, тиббиёт фанлари доктори Камола Солиҳова. — Қолаверса, мунтазам эмизиш она ва бола ўртасида кучли меҳрли алоқани ўрнатиб, ҳам бола, ҳам онанинг руҳий-эмоционал ҳолатига ижобий таъсир қўрсатади ва гўдакка ҳимояланганлик, хотиржамлик бағишлаб, мириқиб ухлашини таъминлайди. Ушбу жиҳатлар эътиборга олиниб, бутун дунёда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан бошани кўрак сути билан озиқлантириш доимий тарғиб қилиб келинади. Бу борада ЖССТ томонидан тегишли тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқилиб, ундан тиббиёт тизимида самарали фойдаланилапти.

Айтиш керакки, чақалоқларни кўрак сути билан озиқлантириш халқимизнинг қадимий ва эзгу қадриятидир. Мамлакатимиздаги бирламчи тиббиёт муассасаларидан тортиб, тўғруқ мажмуаларигача бўлган бўғинда она ва болага ихтисослашган тиббий ёрдамни ўзлуксиз ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилапти. Шунинг учун ҳам ҳозирда тўғруқ мажмуаларида бола тугилган заҳотиёқ онага берилиб, кўрак сути билан озиқлантириш йўлга қўйилган. Болани кўрак билан эмизиш 2 ёшгача ва ундан кўпроқ вақт давомида тавсия этилади.

Соғлиқни сақлаш
вазирлиги
Жамоатчилик билан
алоқалар бўлими

ЭЪЛОН

Қўтловлар

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ТАЙЛОҚ ТУМАН ЙЎЛЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ

УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

халқимизни мамлакатимиз

Мустақиллигининг 28 йиллик шодиёнаси билан табриклайди. Ушбу улуғ айём арафасида туманимиз ҳудудидаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ҳамда қишлоқ ички хўжалик йўллари давлат дастури асосида таъмирланди. Келажакда режаларимиз янада улкан.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ
АБАДИЙ БЎЛСИН!

УРГУТ ТУМАН

ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни мамлакатимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ

билан қизгин қўтлайди!

Жамоамиз томонидан жорий йилда 62 км. масофадаги йўللарга давлат дастури асосида асфальт ётқизилди, 35 км. қишлоқ ички йўллари тош йўللарга айлантирилди. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 8 км. йўл ҳомийлик асосида таъмирланди. Корхонамиз жамоаси тилаги: ҳар доим йўлимиз равон ва чарогон бўлсин!



O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Mahmud TOIR

Muslihidin MUHIDDINOV

To'liq TO'RAKONOV

Shuhrat JALILOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 951. 3394 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 02:00.

Topshirilgan vaqti — 03:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchi:

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5